O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2007 йил, **13** январь, шанба № **2** (2181).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Суббота, **13** января, **2007** год, № **2** (2181).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена свободная

Ҳозирги кунда Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки мамлакатимизда орзу қилишга сазовор касбга айланди.

Ислом КАРИМОВ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Сизларни, Ватан ҳимоячиси деган шарафли ва олижаноб ишга ўзини бағишлаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ўн беш йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Биз ўтган 15 йил мобайнида юртимизда замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган Қуролли Кучларимизни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида кўлами ва моҳияти жиҳатидан том маънода улкан ишларни амалга оширдик.

Мамлакатимизда қабул қилинган Миллий хавфсизлик концепциясига асосланиб, Марказий Осиё минтақасида тез суръатлар билан ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий вазиятни ҳисобга олган ҳолда, юзага келаётган таҳдид ва хатарларнинг ҳар томонлама чуқур таҳлили ва Қуролли Кучларни барпо этишнинг мутлақо янги принциплари негизида армиямизни ислоҳ қилиш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган Дастур яратилди. Бу борада биз ўз олдимизга қўйган бош мақсад – ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, стратегик ва тактик вазифаларни самарали ҳал эта оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва хуружларни бартараф этиш ва уларга муносиб зарба беришга қодир бўлган кучли армияни яратишдан иборат эди.

Шундай ўта муҳим ва ўта масъулиятли вазифаларни амалга ошириш йўлида ғоят қисқа вақт ичида чегаравий минтақалар, ҳарбий округлар тузилди, Мудофаа вазирлигининг бўлинма ва қисмларини, чегара қўшинларини, шунингдек, бошқа вазирлик ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ягона, кучли тизимга бирлаштирган Қуролли Кучларимизнинг таркиби ва жойлашуви қайта кўриб чиқилди, уларнинг ўзаро уйғун ҳаракатини таъминлайдиган ва мувофиқлаштирадиган яхлит тизим шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Бирлашган штаби тузилди ва у бугунги кунда ўқув-машқ тайёргарлиги, тезкор-стратегик бошқарув ва режалаштириш, қўшинларнинг жанговар фаолиятини ташкил этиш сингари масъулиятли ишларга раҳбарлик қилиш бўйича муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Қуролли Кучларимиз ва уларнинг асосий жанговар бўлинмаларининг принципиал нуқтаи назардан мутлақо янгича ташкилий-таркибий тузилмаси жорий этилди. Бўлимлар, роталар, полклар, ёрдамчи бошқарув пунктлари ва шу каби етарли самара бермайдиган бўлинмалар тугатилди. Бу ўзгаришлар ўз навбатида армиямиз ва уни қисмларининг юқоридан қуйигача бўлган қурилишини тубдан қайта ташкил этиш, уларнинг ҳаракатчанлиги ва тезкорлигини, жанговар имкониятларини кучайтириш, энг муҳими, барча даражадаги командирларнинг мустақиллигини таъминлаш ва масъулиятини ошириш имконини берди.

Шу билан бирга, ўта муҳим жанговар топшириқларни бажаришга йўналтирилган Махсус операциялар бўйича кучларнинг қисмлари ташкил этилди. Ўзига хос Алоҳида тайёргарлик тизимига эга бўлган, замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминланган ушбу бўлинмалар эҳтимол тутилаётган душманнинг ҳар қандай тажовузкорона хатти-ҳаракатларига муносиб зарба беришга қодир қудратли куч сифатида шакланди. Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари тоғли ҳудудларига суқилиб кирган халқаро террорчиларнинг жангари тўдаларини йўқ қилиш бўйича амалга оширилган операциялар бунинг яққол тасдиғидир.

Айни пайтда муддатли ҳарбий хизматнинг бир йилгача қисқартирилгани, қўшинларнинг сифат таркибини яхшилаш ва уларнинг сафини тўлдириш тартибларининг такомиллаштирилгани, замонавий қурол-аслаҳа билан таъминлангани, сафарбарликчақирув резерв хизмати жорий этилгани, шартнома-контракт асосидаги хизматга ўтиш жараёни амалда якунлангани армиямизнинг қиёфасини, унинг мазмун-моҳияти ва жанговар қобилиятини тубдан ўзгартирганини қайд этиш зарур.

Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини кескин ошириш, армиямизда соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, профессионал тайёргарлик даражасини юксалтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган сержантлар тайёрлаш мактаблари барпо этилди ва улар замонавий жанговар-ўқув базалари билан таъминланди. Бугун сержантлар таркиби армиямизнинг том маънодаги таянч устунига айлангани, улар аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчисига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлашимиз зарур.

Мустақиллик йилларида барча бўғиндаги командирларнинг юқори профессионал қобилияти ва малакасини таъминлаш, уларнинг интеллектуал савиясини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган офицер кадрлар тайёрлаш тизими яратилди. Бу эса Қуролли Кучларимиз таркибини сифат жиҳатидан бутунлай ўзгартириш ва уларни бугунги кун талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарликка, замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлган командирлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Ҳозирги кунда Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки мамлакатимизда орзу қилишга сазовор касбга айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бу фикрни сўнгги йилларда Қуролли Кучларимизга муддатли ҳарбий хизматчиларни қабул қилиш асосан танлов орқали амалга оширилаётгани ҳам тасдиқлайди. Фарзандларимиз армия сафида ҳарбий мутахассисликларни эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланмоқда, қатъий ҳаётий позицияси шаклланмоқда, энг муҳими, улар Ватан ҳимояси учун доимо тайёр турадиган фидойи инсонлар бўлиб камол топмоқда.

Шуни алоҳида қайд этишимиз жоизки, кейинги вақтда хорижий мамлакатлар, биринчи галда Россия Федерацияси билан ҳарбий-техник ҳамкорлик соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Қўшинларимизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларни оила аъзоларининг моддий, ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш масаласи ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда муддатли ҳарбий хизматчилар, сержант ва офицерлар таркибининг молиявий таъминот миқдори қарийб икки баравар оширилди.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун Ўзбекистон ўзининг ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, етарли даражада қуролланган, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини, юртимиздаги барқарорликни, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир миллий армиясига эга, деб ғурур ва ифтихор билан айтиш учун барча асосларимиз бор.

Азиз ватандошлар!

Биз бугун ғоят мураккаб ва нотинч замонда яшамоқдамиз. Марказий Осиё минтақасида ҳали-бери сақланиб қолаётган қалтис вазият, бутун дунёда давом этаётган низо ва қарама-қаршиликлар, тобора кўлами кенгайиб бораётган терроризм, экстремизм ва наркоагрессия хавфи бизда жиддий ташвиш уйғотмасдан қолмайди, албатта.

Буларнинг барчаси шу муқаддас заминда яшаётган, мамлакатимиз тақдири ва келажаги учун бефарқ бўлмаган ҳар бир инсондан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишни, Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлашни, давлатимиз сарҳадларини қўриқлаш ва ҳимоялашни кучайтиришни, бунинг учун мавжуд бўлган барча куч ва имкониятларимизни сафарбар қилишни тақозо этади.

Шу муносабат билан қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайман:

биринчидан, хавфсизликка қарши қаратилган замонавий таҳдид ва хатарларни таҳлил қилиш бўйича бошланган тизимли ишларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мавжуд хатарларнинг яқин ва узоқ муддатларда юзага келиши мумкин бўлган оқибатларини аниқлаш, Қуролли Кучларимизнинг мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигига нисбатан ҳар қандай таҳдидларга муносиб ва самарали тарзда қарши тура олиш имкониятларини баҳолашга танқидий нуқтаи назардан ёндашиш;

иккинчидан, қўшинларнинг замонавий қурол-яроғ ва техника, ўта аниқ ишлайдиган қуроллар, бошқарув ва алоқанинг электрон, компьютерли тизимлари билан, шунингдек, ишончли анжом-аслаҳа ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланишини янада юксалтириш, пировард натижада бирлашма ва қисмлар, биринчи галда терроризмга қарши бўлинмаларнинг таъминот даражасини, жанговар тайёргарлиги, ҳаракатчанлиги ва тезкорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш;

учинчидан, шахсий таркибнинг ўқув-жанговар ва машқ тайёргарлиги тизимининг самарадорлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг юксак интизомини таъминлаш, уларга ишониб топширилган замонавий қуроллар ва техникадан моҳирона фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларни такомиллаштириш. Ҳарбий хизматчиларнинг шахсий ва гуруҳ таркибидаги тайёргарлик даражаси, интеллектуал салоҳиятини оширишни таъминлайдиган моделлаштириш, симуляция ва ҳарбий таълимнинг бошқа замонавий усулларини кенг жорий этиш лозим.

Барча бўғиндаги командирларнинг энг муҳим вазифаси – армиядаги тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида мамлакатимиз тақдири учун чуқур масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, ватанпарварлик ҳиссиётини кучайтиришдан иборат эканини яхши англаб олишимиз зарур.

Ҳарбий тайёргарлик даражаси ва ҳарбий хизматчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар сифатини оширишда ҳар йили ўтказиладиган ва анъанага айланиб қолган "Энг яхши сержант", "Энг яхши гуруҳ командири", "Энг яхши взвод командири", "Энг яхши батальон командири" каби йўналишлар бўйича танловлар айниқса муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш даркор.

Бу ишларнинг барчасидан кўзланган бош мақсад – юксак жанговар тайёргарлик ва профессионализмни, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш бўйича қўшинларда ўзаро мусобақа руҳини кучайтириш, сержант ва офицерларда етакчилик хусусиятларини ривожлантириш, ҳарбий жамоаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдан иборатдир.

Шу боис ана шундай танловларни бутун армия миқёсида ўтказиш тажрибасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайман. Танловда қатнашадиган ҳарбий хизматчиларни муносиб тақдирлаш тизимини ҳар жиҳатдан такомиллаштириш, яъни танлов ғолибларига муддатидан аввал навбатдаги ҳарбий унвонлар бериш, уларни моддий рағбатлантириш миқдорини ошириш, ҳарбий ўқув юртларига ўқишга киришда улар учун қўшимча имтиёзлар беришни кўзда тутиш даркор;

тўртинчидан, қўшинлар таркибини янада мақбул ҳолга келтириш, уларнинг ташкилий-таркибий тузилмасини, Қуролли Кучларни бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш. Бу йўналишдаги энг муҳим вазифа – жанговар ҳаракатлар чоғида муваффақиятга эришишнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлган бирлашма ва қисмларнинг тезкор ҳаракатланиш имконияти ва ҳарбий тайёргарлигини оширишдан иборат;

бешинчидан, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой ва маиший шароити, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган ишларни янада кучайтириш давлатимиз ва жамиятимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим.

Ўз-ўзидан аёнки, бу вазифанинг аҳамияти ва моҳияти 2007 йилнинг юртимизда "Ижтимой ҳимоя йили" деб эълон қилингани билангина боғлиқ эмас, албатта. Ушбу масаланинг муҳимлиги ва долзарблиги шундаки, **ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ҳар томонлама яхши тайёрланган, етарли даражада таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган, қудратли Қуролли Кучларгина хавфсизлик ва барқарорликнинг, чегараларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётининг мустаҳкам таянчи ва ишончли кафолати бўла олади.**

Бу ҳақиқатни барчамиз ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

Яна бир бор сиз, қадрдонларимни Ватан ҳимоячилари куни, Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ўн беш йиллик байрами билан самимий табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, азму шижоат, шахсий ҳаётингизда бахту саодат, шарафли ҳарбий хизматингизда янги ютуқлар ва омад ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони.

ПРАЗДНИЧНОЕ ПОЗДРАВЛЕНИЕ ЗАЩИТНИКАМ РОДИНЫ

Уважаемые солдаты и сержанты, офицеры и генералы, ветераны Вооруженных Сил!

Поздравляю вас, всех соотечественников, посвятивших себя благородному делу защитника Отчизны, со знаменательным событием в жизни страны – Днем защитников Родины и пятнадцатилетием Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

За истекшие 15 лет в Узбекистане проведена огромная по своим масштабам и глубине работа по строительству Вооруженных Сил, отвечающих современным требованиям и стандартам, формированию национальной армии – надежного гаранта независимости, безопасности и территориальной целостности, устойчивого поступательного демократического развития страны.

На основе принятой Концепции национальной безопасности, всестороннего анализа быстроменяющейся общественно-политической ситуации, возникающих угроз и вызовов в Центральноазиатском регионе была сформирована долгосрочная программа реформирования армии, основанная на абсолютно новых принципах строительства и организации Вооруженных Сил. Главная цель, которую мы поставили перед собой, – это создание небольшой по численности, современной, мобильной, хорошо вооруженной армии, способной эффективно решать стратегические и тактические задачи, нейтрализовать и дать достойный отпор любым посягательствам на неприкосновенность наших границ, мир и стабильность в стране.

В ходе осуществления этих важнейших и ответственных задач в кратчайшие сроки были созданы военные округа, пограничные регионы, пересмотрен состав и дислокация соединений и частей Вооруженных Сил, объединивших в одну мощную систему подразделения и части Министерства обороны, Пограничные войска, воинские формирования других министерств и ведомств, сформирована целостная система их взаимодействия и координации.

Создан и успешно действует Объединенный штаб Вооруженных Сил Республики Узбекистан, призванный стать «мозговым центром» учебной подготовки, оперативно-стратегического управления и планирования, организации боевого применения войск.

Внедрена беспрецедентная, принципиально новая организационно-штатная структура Вооруженных Сил, их основных боевых подразделений. Ликвидированы отделения, роты, полки, вспомогательные пункты управления и другие малоэффективные подразделения, что позволило кардинальным образом перестроить вертикаль построения армии и ее частей, повысить их мобильность, оперативность и огневые возможности и, что особенно важно, – обеспечить самостоятельность и ответственность командиров всех уровней.

На важнейших операционных направлениях созданы подразделения Сил специальных операций. Особая система подготовки этих подразделений, оснащенность современными видами вооружения делают их, как подтвердил опыт проведения операций по ликвидации бандгрупп международных террористов, проникших в горные районы Сурхандарьинской, Кашкадарьинской, Ташкентской областей, мощным средством, способным дать достойный отпор любым агрессивным устремлениям вероятного противника.

Принципиально изменило облик, суть, содержание и боевые возможности нашей армии сокращение срока призыва на военную службу до 1 года, изменение качественного состава, порядка комплектования, боевого оснащения войск, введение службы мобилизационного призывного резерва, практическое завершение перехода к контрактной службе.

Созданы и оснащены современной учебно-боевой базой школы подготовки сержантов, сыгравшие решающую роль в профессиональной подготовке, укреплении здорового психологического климата, кардинальном повышении боевого потенциала Вооруженных Сил. Необходимо особо отметить, что сегодня сержантский состав становится поистине несущим хребтом нашей армии, наставником солдат, надежным помощником офицеров.

Созданная за годы независимости система подготовки офицерских кадров, нацеленная на обеспечение высокого профессионализма командиров всех уровней, стимулирование их всестороннего интеллектуального развития, коренным образом изменила их качественный состав и позволяет укомплектовывать Вооруженные Силы подготовленным, современно мыслящим командирским составом, отвечающим высоким требованиям нашего времени.

Сегодня служба в рядах Вооруженных Сил страны без преувеличения становится не только конституционным долгом гражданина Узбекистана, но и одной из престижных профессий в стране. Доказательством этого становится тот факт, что в последние годы комплектование Вооруженных Сил военнослужащими срочной службы проводится в основном на конкурсной основе. Молодые люди, пришедшие в армию, не только осваивают военные специальности – здесь происходит физическое и духовное возмужание наших детей, формируется цельность их характера и твердая жизненная позиция, готовность встать на защиту Родины.

Немало сделано в эти годы в сфере военно-технического сотрудничества с зарубежными странами, в первую очередь с РФ, укрепления материально-технической базы войск, улучшения материальных, социально-бытовых условий для военнослужащих и их семей. Только за последние годы размеры денежного содержания военнослужащих срочной службы, сержантского и офицерского состава увеличились почти в два раза.

Подводя итог сказанному, у нас есть сегодня все основания с чувством большого удовлетворения заявить, что Узбекистан сегодня практически располагает небольшой по численности, современной, достаточно вооруженной национальной армией, способной отстоять территориальную целостность, неприкосновенность границ, стабильность страны, мир и спокойствие нашего народа.

Дорогие соотечественники!

Мы живем в непростое время. Неослабевающая напряженность в регионе Центральной Азии, продолжающиеся конфликты и противостояния во всем мире, возрастающие масштабы терроризма, экстремизма и наркоагрессии не могут не вызывать у нас серьезной озабоченности.

Все это обязывает всех, кому небезразлична судьба страны и ее будущее, сохранять бдительность, укреплять боеготовность наших Вооруженных Сил, повышать надежность защиты и охраны Государственной границы, мобилизовывать для этого наши резервы и возможности.

В этой связи считаю необходимым:

Во-первых, продолжить и углубить начатую системную работу по анализу современных вызовов и угроз безопасности, выявлять тенденции и возможные последствия их развития в средне- и долгосрочной перспективе, критически подходить к оценке готовности наших Вооруженных Сил адекватно и эффективно противодействовать любым посягательствам на безопасность и стабильность страны.

Во-вторых, обратить особое внимание на дальнейшее улучшение оснащения войск современным вооружением и техникой, высокоточным оружием, электронными, компьютерными системами управления и связи, надежной экипировкой и индивидуальными средствами защиты – в конечном итоге добиться высокой боеготовности и маневренности, мобильности и самодостаточности соединений и частей, в первую очередь контртеррористических подразделений.

В-третьих, повысить эффективность системы учебно-боевой подготовки и выучки личного состава, обеспечить высокую дисциплину военнослужащих, совершенствование их практических навыков по умелому владению вверенным им современным оружием и техникой. Необходимо активно внедрять методы моделирования и симуляции, другие современные методы обучения, которые призваны обеспечить высокий уровень индивидуальной и групповой подготовки, интеллектуальное развитие военнослужащих.

Важнейшей задачей командиров всех уровней является дальнейшее совершенствование воспитательной работы в армии, укрепление в сознании каждого военнослужащего чувства высокой ответственности за судьбу страны, воспитание у них высоких моральных и духовно-нравственных качеств, активной жизненной позиции и патриотизма.

Важное мобилизующее значение в деле повышения уровня боевой подготовки, качества воспитательной работы военнослужащих имеет ежегодно проводимый и ставший традиционным конкурс на звание лучшего по профессии в номинациях «Лучший сержант», «Лучший командир группы», «Лучший командир взвода», «Лучший командир батальона».

Главными целями всей этой работы являются создание в войсках атмосферы состязательности в поддержании высокого уровня боевой готовности и профессионализма, воинской дисциплины, развитие у военнослужащих лидерских качеств, формирование здоровой духовно-нравственной обстановки в воинских коллективах.

Считаю, что эту практику проведения всеармейских конкурсов следует всесторонне поддерживать и расширять. Необходимо всемерно совершенствовать систему стимулов для участвующих в конкурсе военнослужащих: досрочно присваивать победителям конкурса очередные воинские звания, увеличить им размер материального вознаграждения, устанавливать дополнительные льготы при поступлении их на учебу в военные образовательные учреждения.

В-четвертых, необходимо продолжить работу по дальнейшей оптимизации состава и совершенствованию организационно-штатной структуры войск, системы управления Вооруженными Силами. Важнейшей задачей здесь является повышение мобильности и боеготовности соединений и частей как одного из решающих условий достижения успеха на современных театрах боевых действий.

В-пятых, важнейшей задачей государства и нашего общества должно стать дальнейшее усиление целенаправленной работы по социальной защите военнослужащих и их семей, обеспечению их жильем, улучшению бытовых условий и медицинского обслуживания.

Эта задача приобретает особую значимость не только потому, что 2007 год объявлен Годом социальной защиты. Непреложное значение этой задачи обусловливается, прежде всего, тем, что **в современных условиях только хорошо подготовленные, сильные, всесторонне оснащенные и социально обеспеченные Вооруженные Силы могут стать твердой опорой и надежной гарантией безопасности и стабильности, неприкосновенности границ и целостности страны, в конечном итоге мира и спокойствия людей.**

Эту истину мы не должны никогда забывать.

Еще раз сердечно поздравляю всех вас с Днем защитников Родины, пятнадцатилетием Вооруженных Сил Узбекистана.

Желаю всем вам богатырского здоровья, счастья и благополучия в личной жизни, сил и энергии, больших успехов в военной службе.

Ислам КАРИМОВ,
Президент Республики Узбекистан,
Верховный Главнокомандующий
Вооруженными Силами.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
Ф А Р М О Н И

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОҲА ХОДИМИ»

МАГДИЕВ Нигматжан Арипжанович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

АБДУХАЛИЛОВА Мухаррам Ташпулатовна – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ашула ва рақс ансамблининг хонандаси.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

КОЛОТОВА Римма Георгиевна – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг катта ўқитувчиси.

Мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ»

ордени билан

АЧИЛОВ Шавкат Джуманович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бош жарроҳи;

КАРАБЕКОВ Лутфулла – Навоий вилояти прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси;

ТАНГИРБЕРДИЕВ Султанбай Курбанбаевич – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Сержантлар тайёрлаш олий курсининг бошлиғи.

II даражали «ШОН-ШАРАФ» ордени билан

КУРБОНОВ Нодир Азизович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – махсус оператив бўлими бошлиғи;

САИДОВ Айбек Азадович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Шарқий ҳарбий округининг бригада командири;

САЙФУТДИНОВ Ильяс Радикович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

«ДЎСТЛИК» ордени билан

ЛИТВЯКОВА Ольга Ивановна – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт ички ишлар бошқармасининг инспектори;

УСМАНОВ Ильдар Рустамович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ахборот маркази бошлиғининг ўринбосари;

ХАМРАКУЛОВ Мурожидин Патидинович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг гуруҳ командири ўринбосари.

«ЖАСОРАТ» медали билан

АБДИЖАПАРОВ Кайпназар Наметуллаевич – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи;

АБДУКАДИРОВ Шавкат Хамидович – Фарғона вилояти божхона бошқармасининг муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили;

АБДУЛЛАЕВ Орифжон Бобокулович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисми гуруҳ командири;

АЗИЗОВ Асатулла Тошпулатович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби Ҳарбий ҳаво кучлари бошқармасининг бош муҳандиси;

АЙМУРАДОВ Куанишбай Юлдашевич – Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармасининг темир йўл божхона пости бошлиғи ўринбосари;

АКРАМОВ Жасур Косимович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

АЛИКУЛОВ Урал Менгбайевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг гуруҳ командири;

АНТИПИН Олег Октябринович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

АХМАДЖОНОВ Дониёржон Комилович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг чегара пости фельдшери;

АШУРОВ Салохитдин Саматович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

ВАЛИЕВ Махмуд Шералиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Шарқий ҳарбий округининг Сержантлар тайёрлаш мактаби взводи ўқчиси;

Волков Андрей Владимирович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

ГОРДЕЕВ Дмитрий Алексеевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бўлимининг катта нозири;

ДЕВОНОВ Улуғбек Маматкулович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

ДЕХКОНБАЕВ Иброхим Имамкулович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

ДЗЮБА Дмитрий Евгеньевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

ЁРОВ Нажмиддин Нурмаҳмадович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг чегара пости бошлиғи ёрдамчиси;

ЗАХИДОВ Зохиджон Абдувахидович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

ИСХАКОВ Лутфулла Сагдуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бўлимининг бўлинма бошлиғи;

КАМИЛОВ Сергей Леонидович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби Ҳарбий ҳаво кучлари ўқув вертолёт эскадрильяси командири ўринбосари – штаб бошлиғи;

КАРИМОВ Зафаржон Махмудович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальони ҳайдовчиси;

КАРИМОВ Рустам Худаярович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қидирув-қутқарув гуруҳи қутқарувчиси;

КВОН Владислав Валериянович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг гуруҳ сапёри;

КОМИЛОВ Миржалил Хасанбаевич – Сирдарё вилояти Ховос тумани ички ишлар бўлимининг катта тезкор вакили;

КОРАКУЛОВ Равшан Усманович – Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили;

КУРБАНОВ Аскарали Турсункулович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий округининг взвод командири;

КУРБАНОВ Фахриддин Камалович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жануби-ғарбий ҳарбий округининг взводи ўқловчиси;

МАДЖИТОВ Энвер Нариманович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий округининг батальон командири;

МАЛИКОВ Шоди Хасанович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

МАМАЖОНОВ Махмуджон Мирзошарифович – Фарғона вилояти Сўх тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари;

МАХКАМОВ Шавкатжон Гуламжанович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальонининг взвод командири;

МИРСААТОВ Йўлчи Худайбердиевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

НЕМАТОВ Тимур Болтаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

РАХИМОВ Нематжон Махмудович (марҳум) – Наманган вилояти Поп тумани ички ишлар бўлимининг инспектори;

РОЗУМОВ Равшанбек Адамбаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири;

РУСТАМОВ Эркин Бобокулович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жануби-ғарбий ҳарбий округи бригадасининг секция командири;

РЎЗИНОВ Иномжон Мўминович (марҳум) – Наманган шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмининг ўт ўчирувчиси;

САИТОВ Мурод Мансурович – Тошкент шаҳар божхона бошқармаси «Келес» темир йўл божхона пости катта инспектори;

САЙДАЛИЕВ Сайфитдин Кучкарович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бригада командири;

САЛИМОВ Ғолибжон Абдусаматович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон радиостанцияси бошлиғи;

СЕРКАБАЕВ Бахтиёр Абилович – Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг кичик инспектор-кинологи;

ТЕШАБОЕВ Махаммаджон Уракович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими;

ТУРАМИРЗАЕВ Ахмадулла Мирзамахмудович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг назоратчиси;

ТУРДИОХУНОВ Солижон Ахмаджонович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг отлиқ гуруҳ командири;

УМАРОВ Сардорбек Рахимжонович – Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили;

ХАЗИЕВ Закир Рауфович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батарея командири;

ХАИТОВ Эшбой Махмудович – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Сурхондарё вилоят бошқармасининг бўлими бошлиғи;

ҲАМИДОВ Анвар Олимжанович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент ҳарбий округининг взвод командири;

ХОДИЕВ Учкун Мансурович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жануби-ғарбий ҳарбий округининг бригада командири;

ХУДАЙКУЛОВ Озотжон Ахматкулович – Тошкент шаҳар Сирғали тумани ички ишлар бўлимининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили;

ЭРГАШЕВ Бобир Ибрахимович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосари;

ЭШТАЕВ Улуғбек Джуманович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент ҳарбий округи Сержантлар тайёрлаш мактабининг йўриқчиси;

ЮЛДАШЕВ Маруфжон Махамаджанович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Шарқий ҳарбий округининг взвод мутахассиси;

ЮЛДАШЕВ Миродилжон Джабборалиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг взвод мутахассиси;

ЮНУСОВ Алишер Тулкунович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили;

ҲАЛИМОВ Валерий Михайлович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қоровул қўшинлари бош бошқармасининг батальон командири.

«Шуҳрат» медали билан

АЛЛАМБЕРГЕНОВ Менгес Мамутович – Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманининг мудофаа ишлари бўлими бошлиғи;

АЛЛАНАЗАРОВ Вахиджон Адилжонович – Жиззах вилояти ички ишлар бошқармасининг катта терговчиси;

БАГМАНОВ Юлдаш Гайсиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг қурол-аслаҳа синовчиси;

ГУЛЯМОВ Эльдор Равшанович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ўқитувчиси;

ЗАНОЗИН Анатолий Николаевич – Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси навбатчилик қисми бошлиғининг ёрдамчиси;

ИСМАИЛОВ Энвер Расимович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги марказий кимё-радиометрик лабораторияси бошлиғи;

КАМАЛОВ Суннат Шамилович – Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори;

КУТЛИМУРАТОВ Бахитбай Абдикаликович – Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Нукус автомобиль мактабининг амалий машқ устаси;

РАХИМОВ Рустам Эметович – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг навбатчилик қисми бошлиғи;

РУСТАМОВ Искандар Миргиязович – Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Давлат фельдъегерлик хизматининг бўлим бошлиғи;

САГАТОВ Абдумаджит Маннапович – Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари;

СИРОЖИДДИНОВ Авазбек Зулунович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги заводининг катта техниги;

ТИМОШЕНКО Алексей Юрьевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги «Ҳарбийлойиҳа» институти бошлиғининг ўринбосари;

ТОЖИБОЕВ Нормад Ахмадкулович – Чирчиқ ҳарбий судининг раиси;

УЗАКОВ Абдували Ортикович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи;

УРИНОВ Шавкат Бахрамович – Қашқадарё вилояти Нишон тумани ички ишлар бўлимининг профилактика катта инспектори;

УСМОНОВ Бултак Усмонович – Самарқанд вилояти Нарпай тумани прокурори;

ХАКИМОВ Дилшод Муқимович – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Фарғона вилоят бошқармасининг суриштирув бўлими бошлиғи;

ХАМРАЕВА Гульнора Камаловна – Жиззах вилояти прокуратураси ташкилий-назорат ва таҳлил бўлими бошлиғи;

ХИДИРОВ Эшқул Тажибаевич – Жиззах вилояти ички ишлар бошқармасининг йўл-патруль хизмати инспектори;

ХУДОЯРОВ Ширинбой Мардиевич – Самарқанд шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейининг взвод командири;

ЯРБЕКОВ Мансур Ахатович – Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармасининг профилактика катта инспектори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 12 январь.

ИСТИҚЛОЛНИНГ, ИСТИҚБОЛНИНГ МЕТИН ҚАЛҚОНИ

(Ватан ҳимоячилари куни умумхалқ байрами ва Қуролли Кучларнинг 15 йиллиги муносабати билан «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанадан репортаж)

Она алласи билан гўдак онгига, шуурига меҳр, оқибат, муҳаббат туйғулари сингади. Бу туйғуларни асраб-авайлаш, «парваришлаш» лозим. Негаки бора-бора улар қалб гавҳари бўлган улкан бир туйғуга – халққа, Ватанга бўлган муҳаббатга айланади. Ҳа, ҳа ватанпарварликни юракдаги, қалбдаги гавҳарга менгзаш мумкин. Юраги бу туйғу билан урмайдиган инсондан ғариб одам топилмаса керак.

Ватанпарварлик юракдан, қалбдан озиқланиб, Ватан иқболи, истиқболи йўлида бизни эзгу ишларга руҳлантиради, йўналтиради. Қалбларимизга она алласи билан кирган бу улкан туйғуни буюк аждодларимиз бой мероси, донишманд кексаларимизнинг ибратли ўгитлари, гўзал миллий қадриятларимиз, зарварақларга битилган бой тарихимиз билан янада шакллантириш керак.

Президентимиз шундай таъкидлайди: «Ватанини ўз туққан онасидек муқаддас билиш, саждагоҳдек тавоб қилиш, унинг олдидаги ўз фарзандлик бурчини адо этиш, бошига қандай синов тушмасин, киндик қони тўкилган юртини ҳимоялаш, унинг шон-шарафини улуғлаш, бир сўз билан айтганда, ёш авлодни элим деб, юртим деб ёниб яшаш руҳида тарбиялаш, вояга етказиш барчамизнинг ҳаётий эътиқодимизга айланишин хоҳлардим».

Бугун профессионал асосда шаклланаётган, фахримиз, ғуруримизга айланган миллий армиямизни ватанпарварликнинг ўзига хос мактаби дейишимиз мумкин. Ҳар бир посбон билан алоҳида иш олиб борилиб, уларни Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби жасур аждодларимизнинг муносиб ворислари, она Ватаннинг ҳақиқий ҳимоячилари этиб тарбиялашимиз йўлидаги устувор мақсадларимиз бугун ўз самарасини бермоқда. Шу сабабли ҳам бугун озод юртимиз посбонининг мақоми юксакдан-юксак.

Шуни яхши биламизки, фақатгина эгнига ҳарбий либос кийиб, юртни қўриётган инсонгина Ватан ҳимоячиси эмас. Ақлу заковати билан дунёни лол қолдириб, ўзбеклигини, Ўзбекистонини дунёга кўз-кўз қилаётган, буюк аждодларининг муносиб ворислари эканлигини намойиш этаётган ҳар бир инсон – Ватан ҳимоячиси. Ахир, улар мустақил Ўзбекистон манфаатини ҳимоя қилмоқда-да. Спортдаги улкан ютуқлари билан Ўзбекистон номини дунёга янада кенг ёяётган Алпомишу Барчинойларимизни, шу юрт, шу эл манфаати учун ёниб яшаётган ишчи, деҳқон, бунёдкорни, умуман олганда, қалбида ватанпарварлик дея аталувчи гавҳари бор, шу муқаддас замини, жонажон Ўзбекистони тараққиёти, истиқболи йўлида қалби ўйғоқ ҳар бир инсонни Ватан ҳимоячиси дейишга маънавий ҳаққимиз бор. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда ҳам 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни барчамизнинг байрамимиз, барчамизнинг тантанамиз. Бу куннинг йилдан-йилга том маънодаги умумхалқ байрамига айланиб бораётгани, энг улуғ, энг азиз айёмимиз бўлган Мустақиллик байрами даражасида юксак нишонланаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Ҳа, йилдан-йилга эркин ва озод халқимизнинг янги, муқаддас байрами бўлган Ватан ҳимоячилари куни юртдошларимиз қалбларидан чуқур ўрин эгаллаб бормоқда. Бугун миллий армиямиз ташкил топиши билан боғлиқ жараёнлар кўз олдимиздан бир-бир ўтар экан, унинг мустақил Ўзбекистон солномасида, янги тарихимиз саҳифаларидаги буюк воқеалардан бири бўлганини янада теранроқ англаймиз.

Президентимиз Ислом Каримов миллий армиямизни шакллантириш зарурати ҳақида сўз юритар экан, уни қуйидагича изоҳлайди: «…Ўз истиқлоли ва озодлигининг қадрини билмайдиган, уни ҳимоя қилолмайдиган, бунга куч-қурби етмайдиган миллат ҳеч қачон эркин яшай олмайди, кимгадир итоат этишга мажбур бўлади». Дарҳақиқат, биз ўз куч ва қудратимизга таяниб, ота-боболаримизнинг асрий армонларини рўёбга чиқариш, ўзимиз истаган порлоқ келажакни қуриш, ҳеч кимга қарам ва тобе бўлмаслик учун, истиқлолимизни, эл-юртимизни ҳар қандай хавф-хатардан сақлаш учун, бизга ёвуз ният билан кўз олайтирадиганларга муносиб зарба бериш учун миллий армиямизни ташкил этдик ва шакллантирмоқдамиз. Бугун баралла айта оламизки, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони бўла оладиган, ҳар жиҳатдан қудратли, қурол-яроғ ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам бўлмаган Қуролли Кучларга эгамиз. Мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигининг, кенг миқёсдаги демократик ўзгаришлар ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг, муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталиклнинг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларимиз билан қанча фахрланишимиз, ғурурланишимиз мумкин.

Миллий армиямиздаги ислоҳотлар янги бир босқичга кўтарилганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Аниқроқ қилиб айтганда, армиямиз халқимизнинг, миллатимизнинг минг йиллар давомида шаклланган асл қиёфаси, азалий қадриятлари ва хислатларини ўзида мужассам этиб, матонатнинг, садоқатнинг, демакки, ватанпарварликнинг мактабига айланмоқда. Шунинг учун ҳам ёшларимиз учун Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш юксак мақсадга, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда.

Муҳташам Туркистон саройида бугун катта тантана. Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллик тўйини нишонлаш учун давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, кенг жамоатчилик, бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларимиз, уларнинг оила аъзолари жамланган. Уларнинг кўзларида, юзларида байрам руҳини, байрам шукуҳини, байрам қувончини кўриб, юқоридаги фикрлар хаёлдан кечади. Кўнгил чексиз фахр, ифтихорга тўлади.

Байрам либослари ярашиб турган, миллий армиямизнинг нуфузини кўз-кўз қилаётган марду майдонларимизга тантанага келганлар ўзгача бир ҳавас билан қарашаётганини илғаш қийин эмас. Ёшларимизнинг иродасини тоблайдиган, Ватани ва халқига жасорат, матонат, садоқатдан сабоқлар берадиган миллий армиямиз, унинг сафларидаги фидойи ватанпарварларимиз кимнинг ҳавасини келтирмайди, дейсиз?!

Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанани Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев кириш сўзи билан очди. Президентимиз – Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг «Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармони матбуотда эълон қилинган. Бу ҳам бўлса Юртбошимизнинг, давлатимиз раҳбариятининг Ватан ҳимоячиларига чексиз ғамхўрлиги, юксак эътиборидандир.

Тантанада Мудофаа вазири Р.Мирзаев, Ички ишлар вазири Б.Матлюбов, Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р.Иноятовлар юксак давлат мукофотларини ўз соҳибларига топширишди.

Юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган марду майдонларимизни Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг ўринбосари Гулруҳ Аъзамова, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедовлар табриклашди.

Президентимиз ташаббуси билан Қуролли Кучларимизда «Энг илғор мутахассис» танлови ўтказилиб келинаётганидан хабарингиз бор. Маълумки, ҳар йили Ватан ҳимоячилари кунида танловнинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш анъанага айланган. Таъкидлаш жоизки, «Энг илғор мутахассис» танловидан кўзланган мақсад жанговар қудратимизни, ҳарбий маҳоратимизни оширишга қаратилган. Танлов жанговар шайлиги юксак асл мардларни, профессионал посбонларни, Ватанимиз ҳимояси йўлида мардонавор хизмат қилаётганларни кашф этмоқда, ҳарбий хизматнинг нуфузи ортишига хизмат қилмоқда, дейишга тўла ҳаққимиз бор. «Энг илғор сержант», «Энг илғор гуруҳ командири», «Энг илғор взвод командири», «Энг илғор батальон командири» номинациялари бўйича ғолибларга Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор В.Маҳмудов диплом ва қимматбаҳо совғалар топширди.

Маълумки, Қуролли Кучларимизда энг илғор қўшилма, батальон ва Сержантлар тайёрлаш мактабини, энг илғор мудофаа ишлари бошқармасини аниқлаш бўйича ўтказилаётган танловларнинг ҳарбий хизматчиларимизнинг касбий малакасини, жанговар шайлигини оширишдаги ўрни беқиёс бўлмоқда. Ислоҳотларимиз меваси бўлган бундайин танловлар армиямиз сафларидаги ўғлонларимизнинг замонавий ҳарбий техника ва технологияларни пухта эгаллашлари, юксак ақл-заковат, интеллектуал салоҳият соҳиблари бўлишлари, халқига, Президентига садоқат туйғулари қалбларида янада аланга олишларида устувор аҳамият касб этаётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи бу галги ғолибларни ҳам муносиб тақдирлади. Қуролли Кучларимизда энг илғор қўшилма деб офицер Ойбек Саидов хизмат қилаётган жамоа топилган бўлса, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи Сержантлар тайёрлаш мактаби энг илғор деб эътироф этилди. Қорақалпоғистон Республикаси мудофаа ишлари бошқармаси, Наманган вилояти мудофаа ишлари бошқармаси ғолиб деб эълон қилинди. Ғолибларга кўчма кубок топширилди.

Юксак давлат мукофоти билан тақдирланганлар номидан подполковник Учқун Ходиев, шартнома бўйича хизмат сержанти Солижон Турдиохуновлар сўзга чиқар эканлар, Президентимиз, ҳукуматимизга миннатдорчилик билдиришиб, миллий армиямизнинг шаклланиши йўлида янада қатъият, янада шижоат билан хизмат қилишга, Ватанимиз осойишталиги, тинчлигини кўз қорачиғидек асрашга ваъда беришди.

Санъат усталари томонидан тақдим этилган байрамона дастур тантана иштирокчиларининг кўнгилларига янада қувонч, янада хушнудлик олиб кирди.

Майор Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

15-ЛЕТИЮ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ – НАША ОТЛИЧНАЯ СЛУЖБА

«Лучшая часть в Вооруженных Силах»

ГОРНЫЕ СТРЕЛКИ – НА ВЕРШИНЕ ПОБЕДЫ

Наряду с проводимым ежегодно соревнованием на лучшую часть в Сухопутных войсках, Войсках ПВО и ВВС, лучшее высшее военно-образовательное учреждение и лучшую школу подготовки сержантов стало доброй традицией определять лучшую воинскую часть в Вооруженных Силах страны.



Авторитетная комиссия, составленная из представителей силовых ведомств, подробно и обстоятельно знакомится с достижениями и условиями несения служебно-боевой деятельности претендентов на это высокое звание. И лишь потом объявляет о своем решении.

Всякий раз признание той или иной части лучшей в составе Вооруженных Сил становится очередным наглядным подтверждением достигнутых нашей национальной армией солидных успехов по тем или иным направлениям.

Например, когда это гордое звание по праву досталось воинскому коллективу десантников из Восточного военного округа, трижды признававшемуся лучшей частью в Сухопутных войсках, это стало признанием заслуг «крылатой пехоты» в деле укрепления оборонной мощи Родины.

А в прошлом году в преддверии Дня защитников Родины лучшими в Вооруженных Силах стали воины Термезского пограничного района. Впервые в истории Вооруженных Сил воинская часть была награждена одной из высших наград государства – орденом Джалолиддина Мангуберди. Отличие стало свидетельством огромных заслуг стражей священных границ Родины.

Нынче же победу празднуют воины части, где служит офицер Ойбек Саидов. В коллективе победителей накоплен богатый опыт служебной деятельности. Эта часть сформирована в годы независимости, за недолгое время здесь создана прекрасная учебно-материальная база, превосходные условия для размещения и боевой учебы личного состава.

В минувшем году здесь было сделано очень многое для достижения звания лидера. Во-первых, на базе части успешно прошли крупные оперативно-тактические учения в масштабе Вооруженных Сил, внесшие весомый вклад в укрепление боевой выучки войск, взаимодействия силовых ведомств.

Во-вторых, передовики неоднократно показывали добрые примеры бдительности и боевой настороженности, когда с решительностью и умением пресекались попытки противоправного проникновения на охраняемые объекты. Во многом благодаря чуткому несению службы в караулах, правильной организации караульной службы, высокой сознательности личного состава, мир и спокойствие в нашей стране были надежно обеспечены.

И наконец, в-третьих, налицо солидные достижения в укреплении учебно-материальной базы, обеспечении социальной защиты военнослужащих и членов их семей. В этом году вступил в строй крупный объект – панорамный компьютерный стрелковый тренажер, что позволило достичь большой экономии боеприпасов и горючесмазочных материалов, лучше готовить воинов к каждому полевому выходу. Режим экономии и бережливости сочетался с заботой о людях – здесь недавно сдан в эксплуатацию многоэтажный жилой дом, детей военнослужащих доставляют на автобусе в детский сад. Командование части, по мере увеличения количества детей, серьезно думает и об открытии детского сада в самом военном городке.

Одним словом, в Год социальной защиты горные стрелки входят не только на вершине лидерства, но и в заботах о подрастающем поколении. И это символично, ведь победные традиции предстоит продолжать именно нашим детям.

Майор Аблай КАМАЛОВ.
(Фото из архива редакции).

Сержанты – становой хребет армии

ПОДТВЕРЖДАЯ КАЧЕСТВА ЛИДЕРА

В младшем сержанте Баходире Ходжакулове командование сразу увидело несомненные лидерские качества военного профессионала. Он в свое время успешно окончил школу подготовки сержантов.

Не правда ли, символично, что выпускник ШПС становится «Лучшим сержантом» округа по итогам третьего, республиканского тура соревнования в Вооруженных Силах, а его альма-матер – лучшей школой подготовки сержантов по итогам 2005 – 2006 учебного года.

Специалиста в столь специфической профессии, как снайпер, должны отличать такие основные качества, как хладнокровие, выдержка. Снайпер не имеет права на промах и ошибку, так как тогда пропадает эффект внезапности, предусмотренный его воинской специальностью.

Вместе с этим, в подразделении воинов-разведчиков, составленном полностью из профессионалов, уделяется самое пристальное внимание и физической подготовке личного состава, выработке высоких морально-волевых качеств. Не случайно разведчики на контрольной проверке за учебный период выполняли марш-бросок на пятнадцать километров с полной выкладкой. Пересеченная местность диктовала свои условия, однако воины с честью справились со всеми трудностями. Взвод в полном составе прибыл на полигон, причем отведенное нормативами время было с лихвой перекрыто. Согласно требованиям этого упражнения воины сразу же приступили к ведению огня из стрелкового оружия. И здесь меткие выстрелы снайпера младшего сержанта Баходира Ходжакулова задали нужный тон боевой работе всего подразделения. А отличная оценка разведчиков, в свою очередь, сыграла едва ли не решающую роль в процессе оценки ратного труда всей воинской части.

Однако для того, чтобы стать лучшим сержантом в передовой воинской части, недостаточно уметь метко стрелять и быстро бегать. Надо еще на протяжении всего учебного года быть образцом в воинской дисциплине, освоении всех дисциплин боевой учебы, бдительности при несении караульной службы, активного участия в общественной жизни коллектива.

В ходе третьего, республиканского тура конкурса на звание лучшего по профессии младшему сержанту Баходиру Ходжакулову удалось в полную силу проявить свои лучшие качества. Такие, как знания и интеллект при решении тестовых вопросов, меткость в ходе выполнения упражнения по огневой подготовке, ловкость и сноровку в преодолении полосы препятствий, опыт в решении тактических задач, выносливость на дистанции кросса. По совокупности набранной суммы баллов авторитетная комиссия конкурса назвала его «Лучшим сержантом» в войсках округа. Кстати, согласно утвержденному положению, теперь он имеет право на внеконкурсное поступление в высшие военно-образовательные учреждения или зачисление на очередной курс обучения в школе подготовки сержантов.

Судьба этого военного профессионала является наглядным подтверждением действенности осуществляемых в Вооруженных Силах реформ, ведь и школы подготовки сержантов военных округов, и данный конкурс на звание лучшего по профессии – это детище военной реформы.

– Независимость пробудила во мне гордость за наших великих предков Сахибкирана Амира Темура, Джалолиддина Мангуберди, Захириддина Мухаммада Бабура, которые на весь мир прославили воинские качества узбекского народа, – говорит младший сержант Баходир Ходжакулов. – Потому мы достойно продолжаем священное дело старших поколений – обеспечиваем надежную защиту нашей Родины от любых посягательств.

Со всех концов нашей страны в преддверии праздника съезжаются победители конкурса в столицу. Именно здесь в торжественной обстановке страна будет чествовать лучших сынов своего народа, достигнутыми успехами еще раз подтвердивших свои лидерские качества. Эта высокая оценка Родины, без всякого сомнения, вдохновит военного профессионала Баходира Ходжакулова и его товарищей по оружию на самоотверженный ратный труд.



● Гордимся доверием Родины!

Майор Алишер НУРЛАНОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**
(Из архива редакции).

«Лучший командир взвода»

ПРИМЕР ДЛЯ ПОДЧИНЕННЫХ

Среди победителей третьего, республиканского тура конкурса на звание лучшего по профессии в Вооруженных Силах Республики Узбекистан звания «Лучший командир взвода» в Караульных войсках МВД удостоился старший лейтенант Мирсолих Шерматов. Всего через два года после окончания высшего военного училища передовой офицер вывел вверенное ему подразделение в число лучших, во всем являясь примером для подчиненных.

Характерная особенность нынешнего финала состояла в том, что во всех основных номинациях конкурса победу праздновали представители воинской части, где служит офицер Шукрулло Чиналиев. Этот факт свидетельствует о наличии в данном воинском коллективе прочных традиций лидерства, о большом внимании командования к вопросам офицерского становления.

Вот и старший лейтенант Мирсолих Шерматов по окончании в 2004 году Ташкентского высшего военного технического училища успешно стал в строй передовой воинской части Караульных войск, успешно решающей поставленные учебно-боевые задачи. По словам самого Мирсолиха, ему очень повезло на заботливых наставников – опытные офицеры с первых дней службы с готовностью оказывали помощь в решении любой проблемы, давали дельные советы в оформлении документации, организации методической работы с подчиненными.

Однако недаром говорится, что легко помогать тому, кто основной объем работы выполняет сам. Старший лейтенант М.Шерматов стремится настойчиво овладевать секретами воинского и командирского мастерства, глубже понять и специфику службы в Караульных войсках.

– Этого офицера выгодно отличают большое трудолюбие, высокая воинская дисциплина, большая самоотдача и готовность прийти на помощь товарищу, стремление постоянно повышать свой интеллектуальный уровень, – так тепло отозвался о подчиненном офицер-воспитатель Уйгун Баратов. – Солдаты во всем стараются брать пример с командира взвода, есть и такие молодые люди, кто по рекомендации воинской части решил поступать в военное училище и стать офицером.

Например, в данном взводе являются отличниками боевой учебы рядовые Улугбек Тошбоев, Назарбой Абдуллаев, Яхъё Баратов, Улугбек Кадыров, задавая тон в соревновании. Вот и упорное соперничество среди солдат в освоении воинской специальности является заслугой командира взвода. Во-первых, на это влияет наглядность промежуточных итогов, с которыми любой может ознакомиться на «Экране соревнования» и специальных выпусках стенной газеты подразделения. Во-вторых, качественно организовано обобщение опыта передовиков. И, в-третьих, действенной формой стало шефство отличных воинов над отстающими, солдат старшего призыва над новобранцами.

Во взводе гордятся своим командиром. Как только были оглашены итоги третьего, республиканского тура соревнования на звание лучшего по профессии в Вооруженных Силах, подчиненные первыми поздравили своего командира. На общем собрании личного состава солдаты заверили старшего лейтенанта М.Шерматова в том, что и в этом учебном году подразделение никому не уступит звания лучшего взвода в части.

Сержант Бахриддин ЛУТФУЛЛАЕВ.
Фото **автора.**

«Энг илғор гуруҳ командири»

САРҲАДЛАРИМИЗ СОҚЧИСИ

Она Ватан сарҳадлари... Айнан шу ердан мамлакатимизнинг бепоён далалари-ю боғу роғлари, осмонўпар тоғлари-ю обиҳаёт билан лиммо-лим тўлган дарёлари бошланади.

Чегара постлари ўзига хос кун тартиби, яшаш тарзи ва анъаналарига эга. Чегарачи посбонларнинг кун тартиби жуда қатъий, улар бирор сония ҳам ҳушёрликни унутмайдилар. Ортларида ота-оналарию ёру-биродарлари борлигини, Ватан кенгликларидаги осуда ҳаёт чегарадан бошланишини яхши биладилар.

МХХ Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари сарҳадларимизнинг олдинги чизиғида туриб, Ватанимизнинг ҳудудий яхлитлиги, чегараларимизнинг дахлсизлиги, бунёдкор халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш борасида бор имкониятини ишга солмоқдалар. Жумладан, Қуролли Кучларимизда ўқув йили якуни бўйича ўтказилган танловнинг «Энг илғор гуруҳ командири» номинациясида катта лейтенант А.Муллабоевнинг ғолибликни қўлга киритгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ушбу мувоффақият менга янада кўтаринки руҳ бағишлаб, давлатимиз чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилишда куч-қувват бағишлайди, – дейди катта лейтенант Абдусаттор Муллабоев. – Орзуим генерал бўлиш. Бу йўлда кўп изланишим, билим ва маҳоратимни ошириб боришим зарур. Ўз олдимга мақсад қўйдимми, албатта,ниятимга эришаман.

Абдусаттор асли жиззахлик. Оилали. Бир нафар ўғилнинг севимли отаси.

2000 йил А.Муллабоев Тошкент олий ҳарбий чегарачилар билим юртига ўқишга кирди. 2004 йил билим юртини муваффақиятли якунлагач, лейтенант ҳарбий унвонини олди.

2004 йилдан буён МХХ Чегара қўшинлари сафида хизмат қилмоқда. Хизмати мобайнида намунали хулқи, фидойилиги билан барчанинг ҳурматига сазовор бўлди. У ҳарб илмини пухта эгаллаш учун ҳарбий мавзудаги китобларни мутолаа қилади. Кўникма ва малакасини ошириб бораётир. Спорт билан мунтазам шуғулланади. Доимий равишда ўтказиб туриладиган жанговар-тактик машғулотларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Катта лейтенант А.Муллабоев давлат чегарачиларининг дахлсизлигини таъминлашда бор куч-ғайратини ишга солиб, янада юқори кўрсаткичларга эришишга орзуманд, Президенти, халқини ҳимоя қилиш йўлида керак бўлса жонини беришга ҳам тайёр офицерлардан. МХХ Чегара қўшинлари шахсий таркибини ватанпарварлик, Ҳарбий қасамёдига садоқат руҳида тарбиялашда бор имкониятини ишга солмоқда.

Катта лейтенант А.Муллабоев Амир Темур бобомизнинг зафарона юриши, Жалолиддин Мангуберди кўрсатган мардлик намуналарини тўлқинланиб гапириб берди. Унинг шижоати, шаштининг юксаклигини кўриб, «Шу куннинг қаҳрамони»ни Абдусаттордай истиқболли офицер тимсолида кўрдим.

Ўзбекитон Республикаси Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони И.А.Каримовнинг Фармони билан «Жануб» минтақавий штаби Термиз чегара районининг Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотланиши катта лейтенант А.Муллабоев сингари чегарачи посбонларни сарҳадларда янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этади. Бундай ишонч оддий аскардан тортиб, офицеру генералгача катта масъулият юклайди. Давлатимиз чегараларининг ҳар бир қарич ерини ишончли қўриқлашга ундайди.

Капитан Раззоқ ШОЙМАРДОНОВ,
МХХ Чегара қўшинлари матбуот маркази ходими.
Шароф МАВЛОНОВ олган сурат.

ВАТАН ҲИМОЯСИ МУҚАДДАС БУРЧ



Фоторепортаж

НЕБО ВЫБРАЛО НАС

День полетов для всего личного состава авиационной части – словно праздник. И ничего, что он до предела загружен боевой работой – у одних она в небе, а другие делают на земле все, что от них зависит, для обеспечения полетов. Весь смысл такого труда всего коллектива и заключен в том, чтобы стальные птицы уверенно бороздили просторы «пятого океана».

В день полетов с утра все взоры обращены к метеослужбе части под командованием майора Уразкула Хайруллаева. Дежурный синоптик капитан Владимир Туробов осматривает полученные данные компьютерного изучения обстановки в районе аэродрома с чувством удовлетворения: небольшая облачность не помешает отработать намеченные полетные задания.

У механика передвижной метеостанции сержанта Фархода Зубаева за годы службы сложилось так, что на все его дни рождения этих лет приходилась учебно-боевая работа. Опытный военный профессионал и в этом году принимал поздравления сослуживцев на рабочем месте. Что поделать? Маленький личный праздник на время теряет свое значение на фоне важных событий дня, происходящих в части.

Приподнятая атмосфера в этот день чувствуется повсюду. Даже на традиционной постановке задач летному составу, проводимой командиром, буквально физически ощущается стремление летчиков как можно скорее подняться в небо и выполнить учебно-боевые задачи.

В комнате руководителя полетов (РП) все передвижения видны как на ладони. В голосе майора Тохира Абдурахманова, отвечающего на запрос такими знакомыми и долгожданными словами: «Взлет разрешаю», слышится особая торжественность. И сразу начинается работа его старшего помощника капитана Умара Мухаммадиева – в качестве руководителя ближней зоны ему надо отследить правильность взлета. Едва самолет взмывает в небо, за дело принимается еще один помощник РП – дежурный штурман старший лейтенант Валерий Зябрев. Он из военной династии, по стопам отца пришел в военную авиацию. И дежурный по связи и радиотехническому обеспечению (РТО) сержант Анвар Бахриддинов отлично справляется с работой. Специалисту хорошо известно, что все перемещения в небе воздушного судна должны находиться под чутким и непрерывным контролем.

Как только пилот докладывает на землю о завершении полетного задания и запрашивает «добро» на посадку, в дело включается личный состав радиолокационной системы посадки (РСП) во главе с майором Бахтиером Хасановым. Оператору рядовому по контракту Тимуру Яхшиликову порой даже до сверки с опознавательной системой «свой – чужой» уже по линии движения светящейся на экране радара точки становится ясно: на посадку заходит родной борт. А значит, надо обеспечить мягкую посадку.

Старший летчик-инструктор лейтенант Меирман Джурабеков покидает кабину самолета с двойственным ощущением. Конечно же, приятно осознавать, что покорена еще одна вершина летного мастерства. А с другой стороны кажется, что полет прошел слишком уж быстро, не доставив полного наслаждения от единения с боевой машиной, послушно реагирующей на все твои движения и исполняющей в небе замысловатые фигуры.

Молодые летчики после полетов оживленно обсуждают отработанную программу. Совсем еще недавно, будучи курсантами ДВВАУ, они с восторгом смотрели на инструкторов, а теперь сами заняты обучением курсантов.

Один день, проведенный в обществе воинов-авиаторов, оставил непреходящее чувство сопереживания их гордости за свою профессию: мол небо выбрало именно нас, а значит, мы этого достойны!

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

ЮРТ КОРИГА КАМАРБАСТА

Сир эмаски, миллий армиямизнинг қудрати ошиб, янада шаклланишида ҳар бир ҳарбий хизматчининг алоҳида ўрни бор. Сафлардаги ўғлонлар маҳоратларини тоблаб, профессионаллашиб боришар экан, Қуролли Кучларимиз янада мустаҳкамланиш баробарида унинг мавқеи ҳам тобора ортиб бораверади.

Ҳарбий хизматчиларнинг жисмонан чиниқиб, касб маҳоратини оширишида мавсум ўқув машғулотлари ниҳоятда қўл келади. Чунки, офицер, сержант ва аскарлар ўқув мавсуми мобайнида машқларда жанговар тайёргарлигини ошириш билан бирга, ҳарб санъатидан янги-янги сабоқ олади. Шу боисдан бўлса керак, юртнинг азамат ўғлонлари ҳамиша янги ўқув мавсуми машғулотларини кўтаринки руҳда бошлашади. Ёш офицер Жамолиддин Ҳамралиев қишки ўқув мавсумида юқори натижаларни қўлга киритишга аҳд қилган. Ўз устида тинимсиз машқ қилиб, касб маҳоратини шакллантириб бораётган йигит, офицер Ихтиёр Умаров хизмат қилаётган ҳарбий қисмда энг илғор шунқорлардан ҳисобланади.

– Ўқув мавсуми машғулотларида жанговар тайёргарлигини ошириб, янги билимларни ўзлаштириш ҳар бир ҳарбий учун ниҳоятда муҳим, – дейди лейтенант Ҳамралиев. – Жисмоний жиҳатдан етук, интеллектуал салоҳияти юксак бўлган ҳарбий Ватаннинг кучли ҳимоячиси ҳисобланади. Сафлари мана шундай профессионаллар билан бутланган армияни ҳеч қандай куч енга олмайди.

Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультетини 2005 йилда тугатиб, жанговар сафларда ўз ўрнини яратишга интилаётган ёш офицерни ҳарбий жамоада кўпчилик ҳурмат қилади. Миллий армиямиз сафида кўп йиллик тажрибага эга бўлган офицерлар Муслиҳиддин Сирожиддинов, Исмоил Тўрабоевлардан касб сирларини мукаммал ўрганиб, кези келганда сафдошларидан ўз ёрдамини аямай келаётган Жамолиддин ҳақида кўпчилик ижобий фикр билдиради.

– Касбига садоқат билан ёндашиб келаётган лейтенант Ҳамралиев зиммасидаги вазифани ўз вақтида адо этади, – дейди капитан Алибек Тўраев.

Қуролли Кучларимизда етакчи ҳарбий жамоалардан саналган ҳарбий қисмда хизмат қилаётган ёш офицер катта муҳандис лавозимида хизмат қилади. Унинг қўл остидаги жанговар техникалар доимо шай ҳолатда. Радиолокацион техникалар билан тиллаша оладиган йигит уларни доимо ўз измига бўйсундира олади. Шу боис, ўқув машғулотлари пайтида мазкур жанговар техникалар ҳеч қачон панд бермаган. Ҳарбий билим юртида устозлари офицерлар – Олег Цой, Зоҳид Ҳамроқулов ҳамда Алижон Жалоловлардан ўз вақтида ўрганган билимлари амалиётда унга ниҳоятда қўл келмоқда.

– Юрт корига камарбаста бўлиш йигит учун шарафдир, – дейди Жамолиддин. –Ватанингни қанчалик севсанг, унга шунчалик садоқат билан хизмат қилишни истайсан. Айни дамда юртга фидойилик руҳида тарбиялаган устозларимдан ҳар қанча фахрлансам, оз. Бугун улардан ўрганган назарий билимларни амалиётда қўллаяпман. Тўғри, жанговар сафга келган дастлабки кунлар бироз қийинчилик бўлди. Лекин сафдошларимнинг қўллаб-қувватлаши, устозларимнинг беғараз ёрдами менга янада куч-ғайрат берди.

Ҳозирда қишки ўқув мавсумини юқори савияда бошлаган офицер Ҳамралиев ва унинг сафдошлари, ортда қолган ўқув йилидаги ютуқ ва камчиликларни чуқур таҳлил қилган ҳолда навбатдаги машғулотларга қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Ҳушёрликни сақлаган ҳолда жанговар малака ва касбий маҳоратни ошириш, вазиятнинг ҳар қандай шароитида Ватанни, Ўзбекистон халқининг тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилишга тайёр туриш – энг муҳим вазифа, дея янги ўқув йили шиорини ўз олдиларига мақсад қилиб олган шунқорлар мавсумда юқори натижаларни қўлга киритишга аҳд қилинган.

Миллий армиямизнинг қобилиятли ёш офицерларидан бўлган лейтенант Жамолиддин Ҳамралиев Тошкент вилоятининг Зангиота туманида туғилган. Эзгу ишлари билан кўпчиликка нафи теккан Жабборали ака ҳамда Хайрихон опалар фарзандларини бировдан кам қилмай тарбиялаб, уларнинг орзу интилишларини қадрлаган ҳолда, ҳаётда қоқилмай яшашлари учун кенг имкониятлар яратиб беришди. Ўз ўрнида фарзандлар ҳам ота-онасининг юзини ерга қаратишмади. Мана улардан бири Жамолиддин кўпчилик йигитлар орзу қиладиган шарафли касб бўлмиш ҳарбийликни танлади. Оила бошлиқлари эса фарзандининг ҳаётдаги ютуғидан фахр ҳиссини туйишади. Чунки у юрт корига камарбаста бўлиб, халқининг осойишталиги йўлида хизмат қилади-да.

Агнеш ҚУРБОНОВ.

СЕРЖАНТЛАР АРМИЯМИЗ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ

ЭЪТИРОФГА САЗОВОР НОЗИР

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ҳабибулло Асқаровнинг посбонлик фаолияти 1992 йилдан бошланган. Бугунги кунга келиб катта тажрибага эга, миллий армиямизнинг суянчи ва таянчи деган юксак эътирофга лойиқ фидойи посбон сифатида кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлиб турибди. Тажриба, ҳурмат-эътиборга эга бўлиш учун кўп йиллик фаолиятнинг ўзи кифоя қилмайди, албатта. Энг аввало, танлаган касбга чексиз меҳр бўлмоғи лозим. Бу эса ҳар бир кишини ўз ишига масъулият билан, ижодкорона ёндашишга ундаб туради.

Ҳабибулло ҳарбий хизматга қадар мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳайдовчилар тайёрлаш курсида сабоқ олган. Меҳнаткаш, қийинчиликлардан чўчимайдиган йигит ҳарбий хизматнинг илк кунлариданоқ командирлари эътиборига тушди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида кўп соҳаларда бўлгани каби миллий армиямиз ҳам шаклланиш даврининг мураккаб босқичларини ўтаётган эди. Профессионал асосдаги миллий армиянинг мамлакатимиз учун нечоғли улкан аҳамиятга эга эканлигини теран англаб етган кўплаб ўғлонлар ҳеч иккиланмасдан қаётларини армия билан боғладилар. Посбон Ҳабибулло Асқаров ҳам ана шундай фидойиларнинг биридир.

Ҳабибулло Андижон вилоятининг Наврўзобод қишлоғида туғилиб ўсган. Кўплаб қишлоқ йигитлари каби меҳнаткаш, қийинчиликлардан қўрқмайдиган, ўзгалар ташвишига шерик бўла олиши, керак пайтда ёрдамини аямаслиги туфайли ҳамма жойда ўз ўрнини топа билади. Ота-онаси Омонбой ака ва Ҳанифа опалар ҳам оддий инсонлар. Уларнинг тарбиясини олган фарзандлари бугун эл хизматида бўлиб. ҳурмат қозонишмоқда.

Посбон йигитнинг болаликдан ҳарбийликка иштиёқи баланд эди, аслида. Муддатли ҳарбий хизматдан сўнг Қуролли Кучлар сафида қолишининг сабаби ҳам шунда. Офицер бўлиш истаги айрим сабабларга кўра амалга ошмай қолди. Аммо у бундан ўкинганича йўқ. Укаси Рустамжон Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг курсанти. Эҳтимол фарзандлари ҳам ушбу шарафли касб этагини тутишар. Бу ҳақда гапиришга эрта. Негаки, посбоннинг болалари ҳали ёш.

Кичик командир Ҳабибулло Асқаров ўзининг ҳозирги мавқеидан жуда мамнун. Чунки ҳаётини армиясиз тасаввур қилиши қийин. Буни бир неча йиллик ҳарбий хизмати ҳақида мароқ билан, ғурур билан сўзлаганда осонгина илғаб оласиз.

Офицер Худойберди Дўстбобоев етакчилик қилаётган жамоада кичик командирга нисбатан ҳурмат ва ишонч билан қаралади. У бундай шарафга кўп йиллик ҳалол, фидойиларча меҳнати билан эришди. Қўқон гарнизони ҳудудида фидойи посбонни кўпчилик билади. Унинг назорати остида техникалар ҳаракатланишида шу пайтгача бирорта кўнгилсиз ҳодиса юз бермаган. Бундай хизмат ҳамиша муносиб баҳоланган. Асқаров ҳам ҳақли равишда округ қўмондонлигининг эътирофини қозонди.

– Мен касбимни яхши кўраман, – дейди кичик командир Ҳабибулло Асқаров. – Шу сабабли ҳам берилган топшириқларни, олдимизда турган вазифаларни ҳамиша чин кўнгилдан, виждонан бажаришга интиламан. Хизматимни ижобий баҳолашларидан мамнун бўламан, руҳланаман. Ҳарбий хизмат, жумладан, ҳарбий автомобиль назоратида хизмат ўзига хос мураккабликларга ҳам эга. Жамоамиз, сафдошларим шарафли касбимизга садоқатимизни намойиш этиб, Қуролли Кучларимизнинг шонли 15 йиллигини хизматда муносиб ютуқлар билан кутиб олишга аҳд қилганмиз.

Ўйлаймизки, посбон ўғлонлар ҳар доим бўлгани каби бу сафар ҳам ўз сўзларининг устидан чиқишлари шубҳасиз.

Инобат ИБРОҲИМОВА.

ИЛҒОРЛАР САФИДА

Ёшликдаги орзу - ҳавас ўзгарувчан бўлади. Бироқ, армия деб аталмиш ҳаёт мактабини ўтагач ёки ўтаётган даврда инсон қалбида уйғонган ҳавас аксарият ҳолларда ўткинчи, ўзгарувчан бўлмайди. Чунки армия сабоғини олган ҳар бир йигит ҳаёт фалсафасини теран англайди.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Йигитали Ёриевнинг қалбида ҳам ҳарбийликка иштиёқ, айнан у Ватан олдидаги аскарлик бурчини ўтаётган пайтида жўш урди. Ўша вақтда «Мен албатта хизматни давом эттираман», деб ният қилганди. Шу боис Йигитали ҳарбий хизматнинг илк кунлариданоқ ўзини ҳар томонлама чиниқтиришга интилди, умумҳарбий низомларни ўрганди, уларга оғишмай риоя қилишни бир дақиқа бўлса-да унутмади. Дунёқараши кенглиги ва интилувчанлиги билан командирларининг эътиборига тушди.

Шу тариқа ҳарбий хизматни аъло даражада якунлаб, Бухоро вилояти Жондор тумани Оғар қишлоғида истиқомат қилувчи ота-онаси, дўсту ёрлари ҳузурига қайтган Йигитали орадан кўп ўтмай, яна Қуролли Кучлар сафига қайтди ва шартнома бўйича хизматни давом эттирди. Ундаги тиришқоқликни, интизомлиликни кўрган командирлари уни сержантлар тайёрлаш мактабига йўллашди. 2004 йилда сержантлар тайёрлаш мактабини битириб, қадрдон қисмига қайтган кичик сержант Йигитали Ёриев огнемётчи сифатида хизматни давом эттирди. Ҳозирда ўз касби бўйича чуқур билим ва тажрибага эга бўлган Йигитали мавсумий ўқув машғулотларида пешқадамликни қўлдан бой бермай келаяпти. Сабаби янги мавсумда янада юқори натижаларга эришиб, илғор сафдошлари шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Жасур Қобилов ва Жамшид Бозоровларга тенглашиш орзусида. Ана шу мақсадига эришиш учун у ўзига топширилган ҳар бир вазифани, топшириқни талаб даражасида уддалашга қатъий ҳаракат қилаяпти.

Шу кунларда айнан у хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ҳам янги ўқув мавсумига тайёргарлик қизғин давом этмоқда. Ушбу жараёнда фаол иштирок этиб бор куч ва маҳоратини ишга солаётган Йигитали Ёриев кўпчиликка намуна бўлмоқда. Шу сабабли командирларнинг ҳурмат -эътиборига сазовор бўлаяпти.

Йигитали Ёриев оилада вафодор ёр, меҳрибон ота. Турмуш ўртоғи Раъно Зайловиддинова – уй бекаси. Ўғли Анваржон эса эндигина бир ёшга қадам қўйди. Ҳар доим хизматдан ҳориб қайтган Йигитали фарзандининг унга талпинаётганини , қувончини кўриб чарчоғини унутади. Биз Раъно Зайловиддиновага «Ҳарбийнинг умр йўлдоши бўлиш қийин эмасми?», деб савол берганимизга, у «Мен турмуш ўртоғимнинг ҳарбий эканлигини билиб турмушга чиққанман, Чунки бу касб менга ҳам ёқади. Шунинг учунми, қийинчилиги билинмайди. Юрт ҳимояси йўлида хизмат қилиш ўта масъулиятли, шарафли вазифа», деди самимият билан.

– Мен айнан ҳарбийликни танлаганимдан хурсандман – дейди Йигитали Ёриев. – Тўғри, бу касбнинг ўзига яраша машаққат ва қийинчиликлари мавжуд. Шунга қарамай ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган шарафли касб эгаси эканлигимдан фақат фахр ҳиссини туяман. Бизнинг бурчимиз Ватан ҳимояси. Касбимизни мукаммал эгаллашдан мақсадим ҳам битта – элимиз тинчлиги учун Ватанни муносиб ҳимоя қилиш.

Кичик сержант Йигитали Ёриевнинг ушбу сўзларини эшитиб унинг қалбида Ватанга бўлган муҳаббат, меҳр туйғусининг нақадар кучли эканлигини сезасиз. Чунки ана шундай Ватанни севадиган, унинг тинчлиги учун жон куйдириб, кўз қорачиғидай асрайдиган кишигина юртнинг ҳақиқий фарзанди, деган номга сазовор бўлади. Йигитали Ёриев ҳам юртнинг асл ўғлони.

Инсон яшар экан, ўзидан фақат ва фақат яхши ном қолдириб кетмоғи керак. Бунинг учун эл-юртга нафи тегиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун тер тўкиб меҳнат қилиши лозим. Кичик сержант Йигитали Ёриевнинг ҳаётдаги шиори ҳам ана шундай.

Гулнора ТУРСУНБОЕВА.

МУНОСИБ ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОР

Юрт шаънига тиккан йигит жонини,
Чақин умри тутди Ватан шонини,
Жангтоҳларда тўкди шаҳид қонини,
Ёвқур кетган келбати Фарҳодларим.

Юрт тинчлиги, миллат ҳурлиги, Ватан шанини асраш йўлида элимизнинг энг сара ўғлонлари шаҳид бўлганига гувоҳмиз. Кўксимиздан суякларимизга қадар Сариосиё ва Узун туманларидаги террористлар хуружи, Андижон воқеаларида Миллий армиямиз посбонлари ўзларининг қай даражада мард ва матонатли эканликларини исботлай олдилар. Бурчини мардоналарча бажариш чоғида жон нисор қилган ёвқур йигитларимизнинг номлари эса халқимиз хотирасидан мангуга жой олган. Уларнинг қаҳрамонлигини доимо ёд этиш, номини асраш йўлида давлатимиз томонидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ҳар йили 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни арафасида жанговар бурчини бажариш чоғида мардларча ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар хотирланаётгани, уларнинг оила-аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаётгани ҳам фикримиз далилидир. Биз мана шундак шерюрак ўғлонларимиз улғайган бир қатор хонадонларда бўлиб, Мудофаа вазирлиги томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликларга гувоҳ бўлдик.

Янги йўл тумани Халқабод қишлоғида яшовчи Умидахон Аширова хонадонидамиз. Умидахоннинг турмуш ўртоғи катта лейтенант Шермуҳаммад Аширов мустақиллигимизни асраш йўлида, жанговар бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган. Ҳозирда унинг фарзанди Маҳмудахон саккиз ёшни қаршилаяпти. Зукко қизалоқ билан суҳбатлашсангиз, у отасидан қай даражада фахрланишга гувоҳ бўласиз. Ушбу хонадонга ҳам Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллиги муносабати билан моддий ёрдам ва совғалар тақдим этилди. Совғаларни тақдим этишда Янги йўл туман мудофаа ишлар бўлими бошлиғи подполковник Шуҳрат Аҳроров, Халқабод туман фуқаролар йиғини раиси Тўрабой Жўраев, маҳалла оқсоқоли Туроб ака Эрматовлар иштирок этишди.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманига қарашли Қорасув даҳасида камолга етган мард ўғлон капитан Баҳром Жўраев хонадонида эса бизни унинг онажони Ширин опа Жўраева қарши олдилар.

– Фарзандим халқимизнинг тинчлигини асраш, эркини ҳимоя қилиш йўлида ҳалок бўлди, – дейди биз билан суҳбатда онахон. – Ҳар бир она бундай ўғил билан фахрланади, албатта. Унинг номи доим ёд этилишига ишонаман. Ҳарбий либосдаги йигитларимизнинг бари мен учун азиз. Мен она сифатида юрт посбонларининг улуғ байрами олдидан уларга эзгу тилаклар билдиришни истардим. Барчалари аввало соғ-саломат бўлишсин. Оилалари, фарзандларига бош бўлиб юришсин. Фидойи хизматлари билан доимо эл назарида бўлиш насиб этсин. Шунингдек, фарзандим туфайли менга ғамхўрлик кўрсатаётган давлатимиз раҳбариятига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Биз қайси қаҳрамон посбоннинг хонадонида бўлмайлик, барчасидан миннатдорчилик сўзлари билан қайтдик. Зеро, Ватан учун умрини фидо қилган инсонлар хотираси, ёди доимо азиздир. Уларнинг хотираси сабаб оилаларига муносиб ҳурмат кўрсатиш эса бизнинг бурчимиз ҳисобланади.

Зулфия НОСИРОВА.

Начало службы

«НАС НЕ ПУГАЮТ ТРУДНОСТИ...»

– Кажется, еще вчера мы были дома, занимались своими делами, а вот сегодня мы уже солдаты, – рассказывает рядовой Ш.Кучкаров. – Позади пройденный нами курс начальной и общевойсковой подготовки. Надолго запомнится торжественный момент в нашей армейской жизни – день принятия Военной присяги. Нас, новобранцев, прибывших из различных областей Республики Узбекистан, распределили по секциям, группам во взвод старшего лейтенанта Д.Арзиметова. Встретили нас здесь хорошо. Окружили вниманием, теплом, заботой. Так что от нас требуется одно – честно и добросовестно служить, к чему мы и стремимся с первых дней.

После принятия Военной присяги стали парни настоящими солдатами. Командование назначило их на должности, соответствующие их подготовке.

– Как выяснилось в ходе знакомства, – рассказывает командир взвода старший лейтенант Д.Арзиметов, – к нам пришли хорошо подготовленные ребята. Многие до службы в армии обучались в учебных организациях ОСО «Ватанпарвар», приобрели воинские специальности, занимались допризывной подготовкой и спортом, участвовали в общественной жизни коллективов, где учились или работали. А сейчас они уже успешно решают новые для них задачи, стоящие перед нашим подразделением.

– Новое пополнение успешно справляется с ними, – констатирует офицер-воспитатель Р.Садуллаев. – Парни этого осеннего призыва с первых дней сразу же окунулись в атмосферу армейской жизни. Проявляют инициативу, активно участвуют в общественной жизни. Да это и не удивительно. Ведь почти все имеют среднее и среднетехническое образование. И что самое главное – живут в ладу с уставами, проявляя во всех делах дисциплину и организованность. Взятый нами курс на обеспечение строгого уставного порядка приносит ощутимые результаты. Мы заботимся о повышении эффективности всех форм воспитательной работы, осуществляем ее коренной поворот к людям. Серьезное внимание уделяем формированию у каждого солдата глубокого понимания своего патриотического долга, сознательного и безупречного выполнения требований Общевоинских уставов и Военной присяги.

– У меня сложились самые приятные впечатления о службе, о нашем подразделении, – говорит рядовой А.Бахромов. – На первых порах многим из нас казался непривычным жесткий распорядок дня. Но через это мы прошли, так как постоянно ощущали и ощущаем моральную поддержку со стороны наших командиров.

– Я, например, к службе готовился заранее, – продолжает разговор рядовой М.Имамов. – Знал, что воин должен быть сильным, выносливым, решительным, настойчивым в достижении намеченного, смелым и мужественным. Потому я серьезно занимался спортом, следовал режиму дня, приближенному к армейскому. Словом, вырабатывал характер, силу воли. На собственном опыте убедился, что этого можно добиться путем регулярных тренировок. И сейчас мне не страшны ранние подъемы, утренняя зарядка и многое другое.

Вот такие парни пришли служить в это подразделение. Командир, его заместитель по воспитательной работе, другие офицеры и сержанты тепло отзываются о каждом новичке. А особенно выделяют рядовых Н.Мамаджанова, М.Обидова, Х.Умарова, З.Шакирова, О.Сапарова, которые вложили немало труда и усилий в подготовку к службе. И сейчас продуктивно, с интересом и достойно выполняют свой долг перед Родиной.

Сергей БУДАЕВ.

ХАЛҚ ВА АРМИЯ ЯҚДИЛ

Байрам садоси

МАРД ЎҒЛОНЛАР ЮРТНИ ҚЎРИҚЛАР

Ўзбекистон мард ўғлонлари,
Баҳодиру паҳлавонлари,
Тинчлигимиз чин посбонлари,
Байрамингиз бўлсин муборак!

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан жойларда байрам тадбирлари кўтаринки руҳда давом этмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, йилдан-йилга ушбу байрамнинг нуфузи ошиб, умумхалқ байрамига айланиб бормоқда. Кечаю кундуз ўз вазифаларини собитлик, мардлик билан ўтаб келаётган посбонлар билан фахрлансак, ғурурлансак арзийди.

Байрам тантаналари офицер Қаҳрамон Нақшбандиев хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ҳам катта шодиёналар билан нишонланди. Ҳарбий либослари ўзларига ярашиб турган ўғлонларнинг юзларидаги қувонч, табассум, самимийлик уларнинг ушбу кунда қанчалик мамнун эканликларини исботлаб турибди.

– Бугунги шодиёналар барчага манзур бўлди, – дейди Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор Фарида Абдураҳимова. – Ватанимизнинг мустаҳкам ва ишончли қалқони ҳисобланмиш ҳарбийларимиз доимо бизнинг эътиборимизда, қалбимизда. Ҳарбий хизматни шараф билиб, ўз йигитлик ва конституциявий бурчини ўтаётган инсонларни, уларга таълим-тарбия бераётган офицер ва сержантларни 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбдан табриклайман. Улар ҳамиша биз аёлларнинг, оналарнинг ардоғимизда бўлишади.

Тадбирда, шунингдек, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокими Ҳусниддин Маҳкамов, шаҳар ҳокимининг ўринбосари Низомиддин Бахтиёров, «Маҳалла» жамғармаси раиси Раҳимжон Нодиров, Тошкент шаҳар мудофаа ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи офицер Рашид Арамов, Адлия вазирлиги масъул ходими Эргаш Саидовлар ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди ва юрт посбонларини бугунги байрамлари билан табриклашди.

Сафдошларига намуна бўлиб келаётган офицер, сержант ва муддатли ҳарбий хизматчилар ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан тақдирланди.

– Мен учун мустақил Ўзбекистоним миллий армияси сафларида хизмат қилиш катта шараф ва бурчдир, – дейди кичик сержант Ҳикматилло Эргашев. – Ёшликдан қизиққан касбимнинг эгаси бўлдим. Шу Ватан учун, шу юрт учун камарбаста бўлиб хизмат қилишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман ва бунга эришмоқдаман. Байрам арафасида хизматларим инобатга олиниб, Фахрий ёрлиқ ва пул мукофоти билан тақдирландим. Бу менга янада куч-ғайрат, шижоат бағишлади. Фурсатдан фойдаланиб, менга ҳарбий билимларни мукаммал эгаллашимда катта ёрдам берган устозларимни, қолаверса, барча ҳамкасбларимни Ватан ҳимоячилари куни билан табриклайман.

Оддий аскар Даврон Қамбаров хизматга Наманган вилоятининг Норин туманидан чақирилган. Ҳали хизмати бошланганига кўп бўлмаган бўлсада, тиришқоқлиги, билимдонлиги билан командирлари эътиборига тушиб улгурди. У ҳам намунали хизматлари учун ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан тақдирланди. Байрам муносабати билан ўғлини табриклаш мақсадида келган оддий аскар Д.Қамбаровнинг онаси ўғлининг эришган ютуқларини кўриб, қаттиқ ҳаяжонда ушбу фикрларни билдирди:

– Президентимизга, ҳукуматимизга раҳмат, биз оналар авваллари ўғилларимизни ҳарбий хизматга жўнатиб, илоҳим соғ-саломат қайтиб келсин, деб дуо қилиб ўтирардик. Мана бугун ўғлим хизмат қилаётган ҳарбий қисмдаги шарт-шароитларни кўриб, бошим кўкка етди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати (ЁИҲ) Тошкент шаҳар бўлими ҳам посбонларни Ватан ҳимоячилари куни билан табриклаб, ўзларининг эсдалик совғаларини топширишди.

Тўкин-сочин дастурхон атрофида ўтган байрам тадбири, билдирилган эзгу тилаклар, севимли хонандалар ижросида янграган шўх яллалар посбонларимиз хотирасида бир умрга муҳрланиб қолиши, шубҳасиз.

Аҳрор НОЗИМОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



ПОСБОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 15 йиллигига бағишлаб Мудофаа вазирлиги давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бошқармаси, ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати (ЁИҲ) Тошкент шаҳар бўлими пойтахтда жойлашган ҳарбий қисмларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар ўртасида «Ўз ҳуқуқингни биласанми?» мавзуида кўрик-танлов ўтказди.

Танлов «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгашининг катта мажлислар залида бўлиб ўтди. Унда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашишди.

– Ушбу танловни ўтказишдан асосий мақсад, – дейди «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими вакили Дилнозахон Ирмуҳамедова, – ҳарбий қисмларда ўз йигитлик бурчини шараф билан ўтаётган ёшлар ўртасида Конституция, давлат ва ҳукумат қарорларини ҳурмат қилиш туйғуларини шакллантириш ва уларга амал қилиш руҳида тарбиялаш. Посбонлар ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, ўз ҳуқуқларини тўла англаб етишишларига кўмаклашишдир.

Танловни «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгашининг раиси Акром Алимов ва офицер Ислом Иноятовлар ўз нутқлари билан очиб беришди.

Танловда ҳарбий қисмлардан келган аскарлар жамоа-жамоа бўлиб иштирок этишди. Улар 3та шарт бўйича баҳс олиб боришиб, ўз билим ва маҳоратларини намоён қилишди.

Биринчи шартда жамоалар ўзлари хизмат қилаётган ҳарбий қисм шонли тарихи, бугунги вазифалари, илғор ҳарбий хизматчилари ва қисм жойлашган ҳудудга боғлиқ турли маълумотларни сўзлаб беришди. Шунингдек, ҳакамлар ҳайъати уларнинг кийимларига, кўкрак нишони ҳамда жамоасининг тимсолига ва ҳарбий қисм ҳаётидан тайёрланган суратли альбомга ҳам эътибор қаратди. Бу шартда юқори баллни «Ватан» жамоаси посбонлари қўлга киритдилар.

Иккинчи шартда аскарларнинг қанчалик ҳуқуқий билимга эга эканликлари синовдан ўтказилди. Ҳуқуқий таълим асослари ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан берилган саволларга посбонлар батафсил жавоб беришиб, ўз билимдонликларини намойиш этдилар. Ушбу шарт бўйича оддий аскарлар – Норбек Пўлатов, Абдувоҳид Ҳотамов, Шерзод Номозов, Шояд Шодмонов ва Носир Дўстмуродовлар ўз жамоаларига қўшимча балл олиб беришди.

Учинчи «Сардорлар беллашуви» шартида жамоаларнинг сардорлари баҳслашдилар. Уларга мутахассислар томонидан ҳуқуқий билимларга асосланган ва миллий маънавий қадриятларимизга доир саволлар берилди. Сардорлар бу саволларга бор салоҳиятларини ишга солиб, юксак савияда жавоб беришди. Ушбу шартда «Истиқлол» жамоаси сардори оддий аскар Фарҳод Хидиров рақибларига нисбатан ҳар томонлама устунлигини намойиш қилди.

– Бугунги танлов аскарларимизнинг ҳуқуқий билимларни қанчалик пухта билишларини кўрсатиб берди, – дейди ҳакамлар ҳайъати раиси Аъзам Сарибеков. – Кўриниб турибдики, посбонларимиз танловга катта тайёргарлик кўришган. Уларнинг нафақат ҳарбий соҳада, балки ҳуқуқий ва Ватанимиз тарихи ҳақида ҳам етарли билимга эга эканликларига ўзимиз гувоҳ бўлдик.

Ҳакамлар ҳайъати тўпланган балларни жамлаб, ғолиб жамоаларни эълон қилишди. Умумий натижага кўра, «Ватан» жамоаси посбонлари фахрли 1-ўринга, «Истиқлол» ҳамда «Лочин» жамоалари 2 ва 3-ўринга муносиб топилдилар. Ғолиб ва совриндор жамоаларга «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлимининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди. Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаси сержант Дониёр Қаршиев ижросида янграган дилтортар тароналар даврага ўзгача шукуҳ бағишлади.

Аҳрор ОЧИЛОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ТАҲРИРИЯТИМИЗГА МАКТУБЛАР

САЛОМ, «ВАТАНПАРВАР» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ!

Сизларга мактуб йўллашимнинг боиси газетангиз орқали айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида йигитлик бурчини ўтаётган, мен учун севикли инсон бўлган Фазлиддин Шокаримовни Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан табриклагим келди. Фазлиддин ака билан яна олти ойдан кейин дийдор кўришиш насиб этишига ишонаман, чунки у менга Ватан олдидаги фарзандлик бурчини сидқидилдан адо этиб, соғ-омон қайтишга ваъда берган. Биламан, у ҳамиша сўзининг устидан чиққан бир сўзли, қатъиятли, мард йигит. Шу кунгача ота-онаси номига бир эмас, уч маротаба «Ташаккурнома» келганини эшитиб, кўксим ифтихор туйғуси билан тўлиб-тошган.

Фазлиддин ака! Сизни улуғ байрамингиз билан самимий қутлаб, дунёдаги энг эзгу тилакларни, ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаб, ёруғ юз билан қайтиб келишингизни тилайман. Бахт ва бахтиёрлик сизни сирасира тарк этмасин.

Холида ҚОДИРОВА, Термиз шаҳри.

ЎҒЛИМ ТАҚДИРИДА УШАЛГАН ОРЗУИМ

Мен Хатирчи туманининг Тасмачи қишлоғида яшайман. Йигирма тўрт йилдан бери Беруний номли 17-умумтаълим мактабида физика фанидан ёш авлодга сабоқ бериб келаман.

Болалик орзуим ҳарбий бўлиш эди. Бу эндиликда армон. Аммо бу беғубор болалик орзуимнинг фарзандим тақдирида ҳақиқатга айланганини кўриб, кўнглимнинг туб-тубида таърифсиз қувонч ҳиссини туяман. Ўғлим Хуршид Тўраев мамлакатимиздаги энг нуфузли олий даргоҳ – Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг курсанти. Мустақил юртимизнинг мустаҳкам қалқони бўлган Қуролли Кучларимиз сафида ўғлимнинг ҳам борлигидан чексиз фахрланаман.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимизнинг шонли 15 йиллиги билан барча юртдошларимни самимий қутлайман.

Абдукарим ТЎРАЕВ, Навоий вилояти.

ЖАЖЖИ ЮРАГИМДА ВАТАНИМ МЕҲРИ

– Мен мустақил, озод юртнинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Ота-боболаримиз орзу қилган истоқлолга биз ёшлар етишдик. Шундай экан, Ватанимизни асраб-авайлаш, унинг гуллаб-яшнашига, равнақига ҳисса қўшиш бизнинг муқаддас бурчимиз. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо экан, биз яхши ўқиб, баркамол инсон бўлиб вояга етишишимиз, шубҳасиз. Олтинга тенг тинчлигимизни, осойишталигимизни сақлаб, куну тун ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан ўтаб келаётган аскар акаларимни 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни билан чин юракдан табриклайман. Уларга битмас-туганмас соғлик, метин ирода, оилаларига қут-барака ва бахт тилайман. Доимо биз жажжи қизалоқларнинг мард ва жасур акажонлари бўлиб юришсин. Мен аскар акаларимнинг барча-барчаларини яхши кўраман ва қаттиқ ҳурмат қиламан. Сизлар ҳамиша менинг ардоғимдасиз, ҳурматли ҳарбийлар.

Ирода ШОФАЙЗИЕВА, 49-мактабнинг 7-синф ўқувчиси. Тошкент шаҳри.

Ҳарбий лицей

БАЙРАМ ТАБРИКЛАРИ

Фаррух МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейи ўқувчиси

– 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан мен барча ҳарбийларни, юртдошларимни ва ҳарбий бўлиш истагидаги сабоқдош дўстларимни табриклайман. Ўзбекистон – муқаддас Ватан! Унинг ҳар бир қаричи биз учун тенгсиз гавҳар. Шу жаннатмакон ўлкани, табаррук истиқлолни асраш, келгуси авлодларга соғ-омон етказиш мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг шарафли бурчидир. Шундан келиб чиқиб, мазкур санани умумхалқ байрами, оммавий тантана десак ҳам, ўйлайманки, муболаға бўлмайди. Фурсатдан фойдаланиб,бизга таълим-тарбия бераётган, билим ва малакамиз юксалиши, жанговар санъат сирларини мукаммал ўрганишимиз учун фидойи хизматларини аямаётган устоз ва мураббийларимга ҳам табрик йўллайман. Биз мана, лицейда келажакда ҳарбий соҳада фаолият юритиш учун тайёргарлик кўряпмиз. Ҳозирги ўқишимиз улкан мақсад йўлидаги дастлабки одимлардир. Келажакда олий ҳарбий билим юртида ўқиб, она юртим учун хизмат қиламан.

Шоҳрух НУРМЕТОВ,
Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейи ўқувчиси

– Мен ҳам қутлуғ байрам муносабати билан дўстларимга, юртимиз посбонларига ва барча ватандошларимга табрик йўллашдан бахтиёрман. Мана, бугун юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби Қуролли Кучларимизда ҳам Юртбошимиз бошчилигида ислоҳотлар изчил олиб борилмоқда. Матбуот хабарлари, теле ва радио эшиттиришлар ҳамда устоз офицерларимиз ўргатганларидан билиб оляпмизки, миллий армиямизда ривожланиш, янгиланишлар жуда кўп. Бугунги армиянинг посбонларига ҳам талаб ўзгача. Армиямиз профессионал асосга ўтай деб қолди. Посбонларимиз нафақат жанговар ва жисмоний, балки ижтимоий-сиёсий билимларни ҳам пухта эгаллаб, интеллектуал салоҳиятини оширмоқдалар. Яъни профессионал посбон ҳамма томондан профессионал бўлсин. Шу ўринда айтиб ўтмоқчи эдимки, мен ҳам кўплаб дўстларим қатори келажакда миллий армиямиз сафларида хизмат қилишдан, юрт осойишталигини асрашга ўз ҳиссамни қўшишдан мамнунман. Насиб этса, офицерликка ўқимоқчиман ва бу йўлда бор куч-ғайратимни ишга соламан.

● Истиқлолни асраш – бурчимиз!

ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати (ЁИҲ) Тошкент шаҳар бўлими томонидан Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 15 йиллигига бағишлаб, пойтахтда жойлашган ҳарбий қисм ва муассасаларда бир қатор тадбирлар ўтказилди.

Жумладан, офицерлар – Аҳрор Абдураҳмонов, Акбарали Усмонов, Акром Ризаев, Алишер Казаковлар хизмат қилаётган ҳарбий қисмларда ҳам «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» мавзусида таниқли эстрада хонандалари ҳамда кулгу усталари билан ўтказилган учрашув ва концерт дастури посбонлар руҳини янада кўтарди десак, муболаға бўлмайди.

Уюштирилган концерт дастурида «Садаф» ва «Шарқ» гуруҳи солистлари, хонанда Латифхон Азизов ҳамда халқимизнинг севимли кулгу устаси Болтабой Тошматовлар қатнашиб, ўзларининг кўнгилочар куй ва қўшиқлари билан посбонларимизга хуш кайфият улашди.

Шунингдек, тадбир давомида бир қатор спорт ўйинлари ҳам ўтказилди. Арқон тортиш, тош кўтариш каби беллашувларда посбонлар ўз куч ва маҳоратларини намойиш этишди.

Биринчи навбатда ҳарбий иншоотлар, жанговар техникалар, қурол-аслаҳаларни назорат остига олиш учун аламзадалик уясига айланган қисм ва муассасаларни миллий кадрлар билан мустаҳкамлаш зарур эди. Бу устувор масала нисбатан қисқа муддат ичида амалга оширилди. Юрагида ўти бор, ёш давлатимизга, меҳнаткаш халқимизга мустаҳкам қалқон бўлишга орзуманд ёшлар истиқлол ғоялари остида бир тану бир жон бўлиб бирлашдилар. Давлат Миллий армиянинг таъминоти, ҳарбий кадрларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратди. Собиқ иттифоқ таркибидаги республикалардаги ҳарбийлар ойлик маошларини ололмай, хизматга қўл силтаб кетаётган бир пайтда ўзбек ҳарбийлари ўз касбий малакаларини ошириш, тажриба тўплаш билан банд бўлдилар.

Таълим тизими кенг йўлга қўйилгани яъни – ҳарбий лицейлар, олий ҳарбий билим юртлари, Марказий Осиёда ягона ҳарбий академиянинг ташкил этилганлиги миллат маънавий ҳаётидаги қувончли воқеаларга

МИЛЛИЙ АРМИЯ АЛЛАҚАЧОН САДОҚАТ, МАТОНАТ, ВАТАНПАРВАРЛИК МАКТАБИГА АЙЛАНИБ УЛГУРГАН. У ЙИЛ САЙИН КУЧГА, ҚУДРАТГА ТЎЛМОҚДА.

айланди. Қуролли Кучларимизнинг замон талаблари асосида шаклланишида, сифат жиҳатдан янгиланишида муҳим аҳамият касб этди. Ҳарбийларимизнинг касбий маҳорати, тажрибаси халқаро ўқув машқларида кўп бора юксак эътирофларга сазовор бўлгани эса ёшу қарининг ғурурига ғурур қўшди, ўз армиясига бўлган ишончни мустаҳкамлади.

Ҳа, ўтган ўн беш йил Миллий армиямиз учун синов-имтиҳонларга бой бўлди. Ҳатто, посбонларимиз бир неча маротаба қўлда қурол билан юртимизни жангарилар тўдасидан тозалашига ҳам тўғри келди. Ўзбекнинг асл фарзандлари, мард ўғлонлари Ватан тинчлиги, осойишталигини бузишни мақсад қилиб олган ёвуз кимсаларга муносиб зарба бердилар. Бу муқаддас тупроқларни топташга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини кўрсатиб қўйишди.

Айниқса, Қуролли Кучларимизда босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотлар мамлакатимизнинг мудофаа қудрати янада юксалишида, ҳарбий хизматнинг нуфузи, жангчиларнинг руҳий тайёргарлик даражаси, фидойилиги янада ошишида муҳим аҳамият касб этди. Бир сўз билан айтганда, Миллий армия аллақачон садоқат, матонат, ватанпарварлик мактабига айланиб улгурган. У йил сайин кучга, қудратга тўлмоқда.

Тўғри, биз дунёнинг у ёки бу чеккасидаги халқ ва давлатларга ердан, денгиздан, коинотдан хавф соладиган энг даҳшатли қуролларга эга эмасмиз. Сабаби, бундай ёввойи қудратнинг бизга асло кераги йўқ. Халқимизда қадимий бир ҳикмат бор: Ўзбек – ўзига бек! Бу – ўзбек бировга хавф солмайди аммо, у ўз уйида ўзи хўжайинлик қилади, она юртини ҳеч қачон ҳеч кимга топтатиб қўймайди, дегани. Ушбу ҳақиқатни тан олмаганлар шонли тарихимизни, қаҳрамонлик достонларимизни синчиклаб-синчиклаб ўқисинлар. Ана ўшандагина улар минг йиллар, аср давомида Дорою Искандар, Чингиз каби дунёнинг ман-ман деган фотиҳларининг оламшумул режаларини пучга чиқариб, босқинчиларга муносиб зарба берган, қайта-қайта ўз озодлигини қўлга киритган, юрт тинчлиги, дахлсизлигини ҳар нарсадан устун қўядиган танти ўзбекнинг қон-қонига сингиб кетган ҳақиқатларни яхшироқ англаб етишади.

Доимо ҳушёр, жанговар шай, ғанимнинг сонидан, салмоғидан асло қўрқмайдиган, ҳайиқмайдиган ўзбек посбонлари, Миллий Армияси қандай сарчашмалардан қувватланишини ўзларига кашф этишади.

Ҳа, донолар бекорга наслида бор – аслида бор, дейишмаган. Жанговарлик, қўшин тартиб беришга интилиш бизга отамерос, бобомерос хислат. Ғурур осмонимизда ўн беш кунлик тўлин ойдек ярқираган, балоғатга етган, мақтаса мақтагудек Миллий армиямиз эса бунга яққол мисолдир.

Майор Азимбек УСМОНОВ.

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

ПОСБОНЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» китобида миллий армиямизнинг илк шаклланув жараёнлари ҳақида сўз битар экан, шундай дейди: «...90-йиллардаги мураккаб иқтисодий вазиятта қарамасдан, биз ҳарбий қурилиш соҳасида олдимизда турган долзарб ва улкан вазифаларни ҳал этиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган моддий ва молиявий манбаларни излаб топиш мақсадида қаттиқ иш олиб бордик». Дарҳақиқат, миллий армиямиз тамал тоши қўйилганидан эътиборан давлатимиз раҳбарияти бу долзарб масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Маълумки, ҳарбий хизматчилар табиий, экологик қийинчиликларга қарамасдан ўз бурчларини виждонан бажаришади. Бунга жавобан давлатимиз уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаб қўйган. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳарбий хизматчиларнинг табиий қийинчиликлар мавжуд бўлган зоналарда хизмати қонунчилигимизга биноан имтиёзлар билан кафолатланган. Бунга кўра, айрим ҳудудлардаги бир йиллик хизмат икки йилга, бир ярим йилга ҳисобланади. Шунингдек, бундайин ҳудудларда бурчларини ўтаётган ҳарбийларимизнинг хизмат таътили 45 кун этиб белгиланган.

Келинг, шу ўринда яна бир муҳим ҳужжат ва унда ҳарбий хизматчиларга белгиланган имтиёзлар борасида фикрлашсак. Бу Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг 2006 йилнинг 14 январидаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида»ги Низомидир. Бу муҳим ҳужжатнинг айнан Ватан ҳимоячилари кунида имзоланишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Аниқроқ қилиб айтганда, бу мардлик касбини танлаган, ҳарбий хизматни Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчи санайдиган юрт ҳимоячилари доимо давлатимиз эътиборида эканлигидан далолат.

Мазкур Низомнинг олтинчи бобида ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Жумладан, бобнинг 204-бўлимида ҳарбий хизматчиларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда нафақа, тиббий таъминот ва бошқа кўплаб ижтимоий кафолат ҳамда имтиёзлардан фойдаланиши келтириб ўтилган.

209-бўлимда эса шартнома бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчи ва у билан бирга яшайдиган оила аъзолари қонунчиликка биноан уй-жой билан таъминланиши ҳақида сўз юритилади. Агар уй-жой билан таъминланмаган тақдирда белгиланган тартибда ойлик пул компенсация олиши кўзда тутилади. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳатто айрим ривожланган мамлакатларда ҳам ҳарбий хизматчиларга бундайин имтиёзлар кўзда тутилмаган. Шундан ҳам кўриниб турибдики, ҳарбийларимизнинг хизмат ва маиший шароитларига ғамхўрлик қилиш давлатимиз раҳбариятининг муҳим вазифаларидан бирига айланган. Президентимиз Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида шундай дейди: «...Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший аҳволини, яшаш шароитларини яхшилаш, иш ҳақи ва таъминотини ошириш масалаларини босқичма-босқич ва тизимли равишда яхшилаб бориш давлат ва жамиятимизнинг, Қуролли Кучлар қўмондонлигининг доимий диққат-эътиборида бўлиши зарур».

Хўш, ҳарбий хизматчиларнинг саломатликлари муҳофазаси қай даражада кафолатланган? Аввало шуни таъкидлаш лозимки, ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг соғлиқларини сақлаш масаласида муҳим ишлар амалга ошириб келинмоқда. Масалан, Мудофаа вазирининг 1997 йилда имзоланган буйруғини олайлик. Унда мамлакатимиз Қуролли Кучларида санатория-курорт таъминоти кўзда тутилган бўлиб, шунга асосан ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг дам олишлари, соғлиқларини тиклашлари учун шарт-шароитлар яратилган.

Тилга олинаётган Низомга келадиган бўлсак, мазкур ҳужжатнинг 213-бўлимида шундай ёзилган: «Ҳарбий хизматчилар бепул тиббий ёрдам олиш – жумладан, тиш протезлари тайёрлаш ва таъмирлаш (қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо материаллар протезидан ташқари), ҳарбий-тиббий бўлинма, қисм ва муассасаларда бепул доридармон ва бошқа тиббий воситалар билан таъминланиш ҳуқуқига эга». Шунингдек, ҳарбий хизматчи хизмат қилаётган жойда ҳарбий-тиббий муассаса бўлмаган тақдирда мулк кўринишидан қатъи назар исталган тиббий муассасада шошилинч тиббий ёрдам олиши мумкинлиги келтириб ўтилган. Бунда кетадиган харажатлар вазирлик томонидан тўланиши таъкидланган.

215-бўлимда эса ҳатто истеъфога ёки резервга бўшаган катта офицерлар таркибидаги ҳарбийларнинг ҳам бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқлари кўрсатилган. Унга кўра, ҳарбий хизматчи 20 йилдан кам бўлмаган муддатда хизмат қилган, белгиланган ёш чегарасига етиб ёки саломатлигига кўра яроқсиз деб топилиб, шунингдек, штатлар қисқариб ёки ташкилий-штат чора-тадбирлари муносабати билан ҳарбий хизматдан бўшаган бўлиши лозим. Агар катта офицер 25 йилдан кўп хизмат қилиб, ҳарбий хизматдан бўшаган бўлса, бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи турмуш ўртоғига ҳам берилади.

Ҳарбий хизматчи таътил маҳали ёки хизмат жойини алмаштирганда давлат транспорт воситаларидан бепул фойдаланиши Низомнинг 223-бўлимида ёзиб қўйилган. Шунингдек, хизмат жойи ўзгарганда шартнома бўйича ҳарбий хизматчи темир йўл транспорти орқали 10 тоннагача юкини бепул олиб бориши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 январдаги қарорига асосан давлат томонидан суғурта қилинадилар. Мазкур қарорда ҳарбий хизматчиларнинг хизмат билан боғлиқ ҳолда турли тан жароҳатлари олганда давлат томонидан бериладиган товон белгиланган. Шунингдек, Мудофаа вазирининг 1996 йилдаги буйруғига кўра ҳарбий хизматчи хизмат бурчини бажараётганда ҳалок бўлган тақдирда ойлик пул таъминотининг 50 баравари миқдорида товон пули тўланиши кўзда тутилган.

Фикримизни Мудофаа вазирининг хайрли ва эзгу ишга йўғрилган 2006 йилги бир буйруғи асосида давом эттирсак. Яъни мазкур буйруқ асосида мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини сақлаш, хизмат бурчини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган она-юрт ҳимоячилари байрамларда ёдга олинади, уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади. Бу Конституциямизда таъкидланганидек, инсонпарварликнинг, инсонийликнинг олий қадрият даражасига кўтарилганидир. Давлатимизнинг, халқимизнинг ўз фидойи фарзандларини ҳеч қачон унутмаслигидандир. Қолаверса, бу бундайин марду майдонларнинг оила аъзолари доимо маънавий қўллаб-қувватланишидан, ижтимоий муҳофазамизда эканлигидан. Буйруқ ҳақида бироз тўхталиб ўтадиган бўлсак, унга кўра хизмат бурчини, Конституциявий бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбийларимизнинг оилалари ҳарбий қисмлар, мудофаа ишлари бошқармалари томонидан оталиққа олинади. Ҳар бир байрамда, шу жумладан, Ватан ҳимоячилари кунида оталиққа олинган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

Айтиш лозимки, буйруққа кўра бундайин оилаларни оталиққа олиши белгилаб қўйилган ҳарбий қисм, мудофаа ишлари бошқарма, бўлимлари вакиллари байрамларда моддий, маънавий ёрдам кўрсатишиб келишмоқда.

Гап ёрдам ёки ижтимоий ҳимояда ҳам эмас. Муҳими Ватан, халқ учун жон фидо этган фарзандларнинг доимо хотирланиши, улар руҳларининг шод этилишида, ўзаро меҳр - оқибатимизда. Яъни юқорида таъкидлаганимиз, одамийлигимизда. Ўсиб келаётган ёш авлод бундайин қадриятларимиз таъсирида шаклланади. Маънавияти бойийди. Президентимиз Ислом Каримов «Ижтимоий ҳимоя йили» кўзланган мақсадларимизга тўхталиб, шундай деганди: «2007 йилга «Ижтимоий ҳимоя йили» деб ном берганимиз шу йўлда олдимизда турган вазифаларнинг маъно-мазмуни ва пировард натижаларини янада кучайтириши билан жамиятимизда ўзаро қадр - қиммат, меҳр-оқибат туйғусини, энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилади». Ҳа, олдимизда турган муҳим вазифаларни бажаришда бундайин хайрли ишларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Йилдан-йилга мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиб, устувор мақсадларимиз йўлида дадил одимлар ташлаяпмиз. Бу эса ўз-ўзидан миллий армиямизнинг янада шаклланишига, ҳарбий хизматчиларимизнинг ижтимоий ҳимояси янада кучаяётганидан далолат. Бобокалонимиз Амир Темур бежизга «Бой мамлакатнинг аскари бақувват бўлур, аскари бақувват мамлакат бой бўлур», демаган, ахир. Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотларнинг муҳим бир йўналиши миллий армиямизнинг жанговар қудрати ва маҳоратини юксалтирадиган куч – армия сафларидаги инсонларга, уларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилгани ўз самарасини бермоқда.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ – ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ

Ижтимоий ҳаётимизда кечаётган ислоҳотлар негизида миллатимизга хос бунёдкорлик мужассам. Шу жумладан, ҳарбий ислоҳотлар замирида ҳам. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ислоҳотларимиз замирида Қуролли Кучларимизнинг порлоқ эртаси, келажаги кўзда тутилган.

Президентимиз таъкидлаганларидек, армияни том маънода армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан чиқишига асос бўладиган, унинг жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч – бу армия сафларида хизмат қилаётган инсонлардир. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, ҳарбий соҳадаги ислоҳотлар аввало шу заминда туғилиб, ўсган, вояга етган ватанпарвар инсонларга эътибор, ғамхўрликка қаратилди. Буни айниқса, кейинги пайтларда қабул қилинаётган муҳим Фармон, қарорларда ҳам кўриш мумкин. Эътибор бераётган бўлсангиз, уларнинг аксарияти армия сафларида хизмат қилаётган, юрт ҳимоясини ўзига касб деб билган ҳарбийларимизни янада кенгроқ ижтимоий ҳимоялаш, уларга турли имтиёзлар яратишга қаратилмоқда. Ижтимоий ҳимоя йили дея ном берилган йилимизда ҳам бу борадаги эзгу мақсад ва ниятлар йўлида янги-янги одимлар ташланажак.

Ислоҳотлар мазмун-моҳиятига назар ташлаб, улар аввал бошданоқ юксак жанговар қобилиятга эга Қуролли Кучларни шакллантиришга йўналтирилганини англаш мумкин. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, миллий армиямиз ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаракат қилишга тайёр туриши, юртимизнинг жўғрофий-стратегик мавқеини ва ҳудудимизнинг жўғрофий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтимол тутилган босқинчини бартараф этишга, унга қуруқликда ҳам, ҳавода ҳам муносиб зарба беришга шай бўлмоғи лозим эди. Табиийки, бу ўринда жанговар салоҳият, қобилиятга эътибор қаратилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жанговар қобилият, салоҳият кўп омилларни қамраб олади. Дейлик, унинг негизида шахсий таркибнинг миқдори ва сифати билан боғлиқ масала мужассам. Бу посбонларимизнинг профессионал даражаси, ахлоқий-руҳий сифатлари, жисмоний тайёргарлиги, мустаҳкам интизоми билан ўлчанади. Хўш, ислоҳотлар давомида бу борада қандайин ишлар амалга оширилди?

Аввало бу ўринда кадрлар масаласи ўртага чиқиши турган гап. Ахир, посбонларнинг профессионал даражасини шакллантирувчи, уларнинг жисмонан ва маънан ривожланишини таъмин этувчи кадрларни, миллий истиқлол ғоялари руҳида камол топган ҳарбийларни тайёрлаш зарур эди-да. Жиззахда ҳарбий учувчиларни тайёрловчи билим юрти, пойтахтда алоқачиларни тайёрловчи махсус факультет ташкил топгани, шунингдек, мавжуд олий ҳарбий ўқув масканларимизда хилма-хил қўшин турлари учун офицер кадрлар тайёрлаш тизими барпо қилингани бу муаммони ечишга қаратилди. Истиқлолимиз меваси бўлган Қуролли Кучларимиз Академияси хусусида ҳам узундан-узоқ гапириш мумкин. Эътироф этиш керакки, соҳада давр билан қадамба-қадам ўқув тарбиявий жараёни шакллантирилиб, такомиллаштирилиб борилмоқда. Ҳарбий фаннинг энг сўнгги ютуқларидан, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг илғор тажрибаларидан сабоқлар олишмоқда, она-юрт ҳимоячилари. Шунингдек, бир нарса маълумки, минтақамиз дунёга машҳур саркардалар билан донг таратган. Ахир, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Бобур сингари буюк аждодларимизни, саркардаларни ким билмайди, дейсиз?! Уларнинг саркардалик қобилиятларини, ҳарбий санъатларидан ўрганиб, сабоқ олиб келмоқдамиз.

1999 йил Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар янги бир босқичга чиққан давр бўлди. Мамлакатимиз тинчлик-осойишталигини ишончли ва самарали ҳимоя қилишга қодир бўлган тезкор, яхши таъминланган Қуролли Кучларни шакллантиришни замон биздан талаб этди. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон ХХ1 асрга интилмоқда» номли асарида шундай ёзган: **«Армияни, чегара қўшинлари ва ички қўшинларни ислоҳ қилишга доир давлат сиёсатини амалга ошириш фақат мудофаа салоҳиятимизни юксалтиришга қаратилган. Бошқача айтганда, бу жараён ягона мақсадни – ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш, демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш учун, одамларимизнинг тинч ҳаёти ва бунёдкорлик меҳнатини таъминлаш учун шарт-шароит яратиб беришни кўзлаб амалга оширилмоқда».** Хўш, янги босқичга кўтарилган ислоҳотлар биз учун нима берди?

Қувонч билан таъкидлаш лозимки, қисқа давр ичида Қуролли Кучларимизда улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Масалан, Қуролли Кучларимиз сифат жиҳатидан янги, анча такомиллаштирилган ташкилий-штат тузилишига ўтказилди, қўшинларни бошқариш муаммосини туб жиҳатдан ҳал қилувчи муҳим ҳарбий-маъмурий бирликлар – ҳарбий округлар тузилди. Шунингдек, барча қуролли тузилмаларимиз турлари ўзаро узвий алоқада ҳаракат қилишига эришилди, ҳарбий ўқув муассасаларида, қолаверса жанговар ва тезкор тайёргарликлар жараёнида кадрларни тайёрлаш сифати янада яхшиланди. Турли шарт-шароитларда қўшинларни бошқариш усуллари такомиллашиб бормоқда. Энг муҳим ўзгаришлардан яна бири шахсий таркиб билан тарбиявий ишларни юритишнинг ўзига хос жиҳатларига – уларнинг умуминсоний ва миллий қадриятлар, миллий урф-одатлар руҳида камол топишларига улкан эътибор қаратилгани бўлди.

Республикамиз раҳбарияти ҳарбий соҳадаги ислоҳотлар борасида қарор қабул қилганида жанговар қобилиятимизга самарали таъсир этувчи учта асосий омилни ҳисобга олганини яхши биламиз.

Шулардан биринчиси, Қуролли Кучларнинг техникавий жиҳатдан яхши таъминланиши ҳамда бошқарувнинг ишончли воситасига эга бўлиши ҳисобланиб, бу жанговар воситалар таркиби кам, аммо самарадорлиги юксак бўлган миллий армияни шакллантиришни тақозо этди. Юртбошимиз Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ учинчи сессиясида **«Армия соҳасидаги ислоҳотларимизнинг маъно-мазмуни пухта ташкил этилган, тезкор ва ҳаракатчан, яхши таъминланган, замонавий қурол-яроғ ва техника воситаларига эга бўлган, маҳорати баланд, ҳар қандай мураккаб шароитда ҳаракат қила оладиган армияни шакллантиришдан иборат»,** дея таъкидлаган эди. Мазкур омил шахсий таркибдан касбий малакасини оширишни, қурол-аслаҳа ва жанговар техника имкониятларидан тўлақонли фойдалана олиш маҳоратини шакллантиришни талаб этди.

Навбатдаги омил эса ривожланган мамлакатлардаги ва ўзимиздаги илғор ҳарбий ютуқларни ўзлаштиришни, ҳарбий қурилишнинг илғор тажрибаларини татбиқ этишни кўзда тутди. Шу ўринда бир нарсани айтиш лозимки, жанговар ҳаракатларнинг янги усул-услубларини яратишда, татбиқ этишда мамлакатимиз, минтақамизга, қолаверса, дунёга хавф солиб турган экстремизм ва халқаро терроризмнинг фаоллашуви ҳисобга олинди. Шу ўринда ҳарбий соҳадаги, айнан халқаро терроризмга қарши курашдаги ҳарбий ҳамкорликларимиздан бироз сўз очсак. Мамлакатимиз халқаро терроризмга қарши изчил курашиб келмоқда. Айниқса, кейинги пайтларда Россия Қуролли Кучлари вакиллари билан ўзаро ҳамкорликда машқлар ўтказаётганимиз ҳар иккала томон учун ҳам манфаатли бўляпти.

2005 йилнинг 19-25 сентябрь кунлари Ўзбекистон заминида юртимиз қуролли ҳимоячилари ва россиялик ҳарбийлар иштирокида аксилтеррор машқлар ўтказилганди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари, мутахассислар, қўмондонлар юксак савияда ўтказилган ҳамкорликдаги бу машқни стратегик ҳамкорлигимизнинг ёрқин бир намойиши эканлигини эътироф этишди. Ўзбекистон учун бундайин машқлар икки томонлама ҳарбий ҳамкорликларни шакллантириш йўлидаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишда, шунингдек, халқаро терроризм, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализмга қарши ҳамкорликдаги курашни фаоллаштиришда принципиал аҳамиятга эга бўлди, дея баралла айтишимиз мумкин. Қолаверса, бу мамлакатимизнинг минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашда доимо фаол саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келаётганини, аср офати бўлган халқаро терроризмга қарши курашда қатъий ва изчил позицияда турганини кўрсатди.

2006 йилнинг 20-23 сентябрь кунлари Краснодар ўлкасида ўзбекистонлик ва россиялик ҳарбийлар иштирокида ўтказилган «Жанговар биродарлик – 2006» машқлари ҳамкорликларимиз янгича сурьатда давом этаётганидан далолат.

Учинчи омил Қуролли Кучларимизнинг ҳар томонлама етук, баркамол шахсий таркибга эга бўлишини тақозо этди. Ислоҳотлар жараёнига эътибор бериб қарасангиз, бунинг мевасини бугун яққол кўрасиз. Яъни, бугун шуни баралла айта оламизки, ҳарбийларимизни, Ватанимиз ҳимоячиларини маънавий, ахлоқий тарбиялашнинг, профессионал тайёргарлиги ва қайта тайёрлашни ташкил этишнинг мукаммал тизими мавжуд.

Қувонч билан таъкидлай оламизки, ихчам, замонавий, ҳар қандай синовларни енгиб ўтишга қодир, бутунлай янгича асосларда ташкил этилган ва стратегик мақсадларимизга мос келадиган миллий армиямизни шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ислоҳотлар давомида армия ва халқ яқдиллиги мустаҳкамланиб, халқимизнинг онгида Қуролли Кучларига нисбатан муносабат тубдан ўзгарди. Президентимизнинг сўзлари билан айтадиган бўлсак, **«Армиямизнинг бугуни ва келажагини ўйлаб қилаётган барча ишларимизнинг натижаси ва якуни сифатида ҳарбий хизмат сўзда эмас, балки амалда кун сайин обрў-эътиборли касбга айланиб бормоқда».**

Ҳа, бугун ҳар қанча фахр, ғурур билан, баралла айтишимиз мумкин – мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигининг, кенг миқёсдаги демократик ўзгаришлар ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг, муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталикнинг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларимиз бор.

Майор Сафар АЛИЕВ.

ЕТАКЧИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ

Мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳарбий мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришдан иборатдир.
Бу борада Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида Мудофаа вазирлиги қисм ва муассасаларида хизмат қилаётган офицерларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида бир қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Бу ерда офицерларнинг дунёқараши, интеллектуал ва етакчилик сифатларини шакллантириш мақсадида мураббийлар тингловчиларга янги ўқитиш услубларидан фойдаланиб, компьютер технологияларини қўллаган ҳолда машғулот ўтишмоқда.

Айни пайтда ҳарбий билим юртида электрон кутубхона ташкил этилган бўлиб, тингловчилар таълим-тарбия жараёнида ушбу электрон кутубхонадан, қолаверса, Интернет тизимларидан кенг фойдаланишмоқда. Ёқилғи мойлаш материаллари таъминоти мутахассисларини қайта тайёрлаш мақсадида ташкил қилинган курс тингловчилари машғулотларнинг асосий қисмини амалиётда ўташмоқда. Улар асосий машғулотлардан сўнг ёқилғи сақлаш омборхоналарига, лабораторияларга, ҳарбий қисмларга бориб ўз билимларини оширишмоқда.

Ёш офицерларнинг ўқиши, билим олиши ва яшаши учун барча имкониятлар билим юртимиз қўмондонлиги томонидан намунали даражада ташкиллаштириб берилган. Уларнинг бўш вақтларида спорт билан шуғулланишлари учун спорт шаҳарчалари, спорт мажмуалари, спорт тренажёрлари, хуллас, замонавий талаб даражасидаги шарт-шароитлар мавжуд.

Тингловчилар орасида ўзининг тиришқоқлиги ва илмга чанқоқлиги билан сафдошларига ўрнак бўлаётган офицерлар ҳам талайгина. Ана шундайлардан бири лейтенант Авазбек Эрназаровдир.

Андижонлик бу йигит ёқилғи таъминоти маркази бўлим бошлиғи лавозимида хизмат қилади. Авазбек Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртини имтиёзли дипломга якунлаган.

Компьютер саводхонлиги бўйича юқори малакага эга бўлган офицер ўзининг «Ҳарбий қисмларда ёқилғи таъминоти ҳисобини ташкиллаштириш тартиби» мавзуси бўйича умумий йиғилишда маъруза қилди. Маъруза кўргазмали маълумотлари муҳим аҳамиятга эгалиги билан қатнашчилар эътиборини ўзига тортди. Ўз ўрнида у ўзининг ташаббускорлиги билан билим юрти бошлиғи томонидан ҳам рағбатлантирилди.

Маълумки ижтимоий-сиёсий тайёргарлик – жанговар шайликнинг муҳим омилларидан биридир. Шундай экан, она юрт посбонларининг бу борадаги тайёргарликларида бўшлиқ бўлмаслиги керак. Бу ўринда асосий масъулият билим юртидаги профессор-педагог ўқитувчи офицерлар гуруҳи таркибига тушади.

Тингловчиларга билим юртида профессорлар, ўқитувчи офицерлар гуруҳидан ташқари, Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларидан малакали мутахассис офицерлар келиб таълим беришмоқда. Тажрибали мураббийлар ҳисобланган полковник Т.Таиров, подполковниклар – Т.Ҳикматуллаев, А.Нажимов, М.Заитов, Ҳ.Абдураззоқов, Ҳ.Исаханов, майорлар М.Даниев, Х.Ҳамидов, капитанлар А.Ҳусаинов ва Ф.Хўжаевлар тингловчиларимизга фидойиларча билим беришмоқда.

Ҳа, қатъиятли, тиришқоқ, тингловчилар мазкур ҳарбий билим юртида олган билимларни ҳарбий қисмларда амалиётда қўллаб, ўзларига билдирилган ишончни намунали хизматлари билан оқлайдилар.

Подполковник А.НАРЗУЛЛАЕВ,
Офицер кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш кафедраси бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари.

В организациях ОСО «Ватанпарвар»

ВООРУЖЕННЫМ СИЛАМ – ДОСТОЙНУЮ СМЕНУ

Активно и организованно готовятся встречать предстоящий праздник 15-летия Вооруженных Сил Республики Узбекистан в первичных организациях ОСО «Ватанпарвар» Бухарской области.

Так, в Бухарской и Гиждуванской автомобильных школах прошли Дни открытых дверей. В них приняли участие представители местных органов власти, общественных организаций, родители курсантов военных училищ страны. Были показаны учебные классы, организованы выставки учебной и спортивной техники, проведен конкурс строя и песни, дан праздничный концерт.

В преддверии праздника возросла и активность спортсменов оборонного общества. С большим успехом прошли состязания на первенство области по мотокроссу, где участвовали свыше 50 гонщиков. В городе Бухаре, Каракульском, Ромитанском, Шафирканском и Жондорском районах проведены зональные соревнования среди учащихся общеобразовательных школ, лицеев и колледжей по пулевой стрельбе и военно-прикладному многоборью. В городе Бухаре прошли городские состязания по ракетомодельному спорту среди махаллинских комитетов.

Вообще, забота о подготовке достойной смены для национальных Вооруженных Сил является основной для организаций «Ватанпарвар». Так, упомянутые выше состязания по стрельбе прекрасно способствуют формированию у юношей культуры обращения с оружием, гордости от умения применять в деле его грозную мощь. Вот и состязания среди преподавателей начальной допризывной подготовки, проведенные в Бухаре совместно с Управлением народного образования области, были призваны повысить стимулирование труда преподавателей. Кстати, победу в них одержали представители Гиждуванского района.

По сложившейся за годы независимости доброй традиции, курсанты автомобильных школ побывали у военнослужащих Бухарского гарнизона, провели совместные состязания по перетягиванию каната, другим силовым играм. В гости к воинам выезжали также представители допризывной молодежи других районов.

С большим успехом прошла в областном центре встреча допризывной молодежи с ветеранами Второй мировой войны, труда и Вооруженных Сил, участники которой рассказали о славных подвигах старших поколений и призвали достойно выполнять свой конституционный долг по защите Родины. Активизировалась работа патриотических клубов области.

Активистами областной организации также проводятся беседы «за круглым столом» среди молодежи на темы: «Национальная армия – надежный гарант мирной жизни народа», «За мир и благополучие надо бороться», планируются посещения областного Музея-памятника Баховуддина Накшбанди, других памятных исторических мест области. Пройдут также «уроки мужества», встречи с известными людьми нашей области, соревнования по техническим и военно-прикладным видам спорта.

Геннадий ХАЛИМОВ,
заместитель председателя Бухарского областного совета ОСО «Ватанпарвар».

Таълим тизимида

МАКТАБДА ЯНГИЛИКЛАР КЎП

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни арафасида 171-сонли умумтаълим мактабига Мудофаа вазирлиги томонидан мазкур ўқув муассасасининг ўқув-моддий базасини такомиллаштириш мақсадида турли техник воситалар ва кўргазмали қуроллар, дарсликлар ва бадиий адабиётлар, лаборатория ҳоналари учун зарур бўлган асбоблар, шунингдек, ошхона анжомлари ажратилди. Йил сўнггида мактабнинг иситиш тизими қайтадан созланди, ҳоналар ўтган йилгига нисбатан иссиқ ва шинам, шунингдек, баҳоли қудрат таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Кутубхонага эса нафақат адабиётлар, балки жорий йилнинг кўплаб вақтли нашрлари ҳам мунтазам равишда етказиладиган бўлди. Энди ўқувчилар кундалик хабарлар ва воқеалардан мактабнинг ўзида мутолаа орқали хабардор бўлишлари мумкин.

Бошланғич синф ўқувчилари учун яна бир қулай имконият – текин тушлик ташкиллаштирилди.

– «Ижтимоий ҳимоя йили» биз учун қувончли келди, мактабимизга бўлган эътибордан бошимиз кўкка етди, – дейди мактаб директори Наргиза Мелибоева. –Яратилган шарт-шароитларнинг қулайлиги ўқувчиларимизнинг янада яхши билим эгаллашларига, салоҳиятлари юксалишига туртки бўлади. Шароит бор жойда, шубҳасиз, муваффақиятга эришилади. Мактабимиз педагогик жамоаси ва ўқувчилари Мудофаа вазирлиги томонидан кўрсатилган ишонч ва ғамхўрликни оқлашларига шубҳам йўқ. Биз Ватан ҳимоячилари куни, юртимизнинг барча жасур ва мард посбонларини улуғ байрамлари билан табриклаб, уларга шарафли касбларида доимий осойишталик, шижоат ва матонат тилаб қоламиз. Токи, улар ҳамиша сергак эканлар, мактабларимизнинг чироғи сўнмай, келажагимизнинг нурли манзиллари ҳам ёруғ бўлаверади.

Дарҳақиқат, мазкур мактабда таҳсил олаётган аксарият ҳарбийлар оилаларининг фарзандлари ҳар томонлама баркамол бўлишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар мақтовга арзигулик.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ИДЕОЛОГИЯ ТЕРРОРИЗМА

«ПРОРОКИ ЗАЗЕРКАЛЬЯ» – СЛУЧАЙНОСТЬ ИЛИ ЗАКОНОМЕРНОСТЬ?

(Продолжение. Начало в предыдущем номере).

Насколько вообще его участие в реализации идеи глобальной халифатизации можно считать самостоятельно сделанным религиозным выбором, а не навязанным ему идиллическим фетишем? Отвечая на этот вопрос, он, конечно же, использовал ссылки на аяты из сур Корана и примеры из религиозно-политической практики Пророка Мухаммада. А на вопрос, о каком конкретно периоде практики Пророка идет речь, не моргнув глазом, ответил: «Когда Пророк переселился из Мекки в Медину».

Акцентируюсь на этом эпизоде, оттого что в ходе той беседы меня заинтриговало его безапелляционное утверждение о том, что «именно Такиюддин ал-Набхани (Taqiuddin al Nabhani) – основатель партии Хизб ут-Тахрир – заложил практику ориентации мусульман на тринадцатилетний срок, по прошествии которого современные мусульмане провозгласят халифат в одной из стран мусульманского мира...». После некоторой паузы добавил: «Он разработал методологию, ориентированную на ту, которую использовал Пророк Мухаммад за 13 лет создания халифата».

Жаль, не уточнил собеседник, что этот важный процесс Пророк исполнял сугубо мирными методами. Зато уточнил: «Хизбуттахрировцы традиционно уходят от открытых диалогов с властями и духовенством. И не оттого, что говорить с ними не о чем. Просто нам надо именно так действовать – таков пример Пророка».

На самом деле, Пророк в условиях недопонимания, неприятия и гонений, которым он подвергался в Мекке, распространяя с 610 г. н.э. откровения Аллаха, и из нежелания подвергать опасности себя и своих приверженцев избегал проведения открытых проповедей исламских догм. Не без причины напомню и то, что посланник Аллаха начал первые проповеди после того, как ему исполнилось «40 лет и один день, и Аллах послал его ко всем людям благовестником и увещевателем...». (Ахмад бен Фарис ар-Рази).

Очень кратко напомню и о том, что именно неоднозначное, а порой и агрессивное неприятие большинством мекканцев проповедей Мухаммада стало главной причиной переселения его приверженцев и его самого в г.Йасриб (позже переименован в Медину – город Пророка), где он призывами, наставлениями и увещаниями еще более сплотил вокруг себя переселенцев-мухаджиров, привлекая в ряды мусульман все новых и новых сторонников.

Существует ряд мнений по поводу периода переселения в Йасриб. По одному из наиболее распространенных утверждений, «день начала переселения относят ко второй половине июля, а окончание – к 20-м числам сентября 622 г. н.э.».

Сам 53-летний Пророк прибыл в Йасриб 24 сентября. Вынужденное переселение вошло в лексику всех народов арабским словом «хиджра». После смерти Пророка, через ссылку на дату вынужденного переселения, было положено начало мусульманскому летоисчислению Хиджр. Кстати, по мнению ученых, «именно на мединский период его пророческой деятельности приходится и создание всех основных предписаний мусульманского образа жизни и главных обрядов новой религии...». По мнению французского востоковеда Массе, «политический ум Мухаммада, столь же яркий, как и его религиозный дух, проявился в драгоценном документе – «Уставе мусульманской общины»... в котором заявляется, что отныне мухаджиры и ансары составляют единую общину, что в эту же общину входят также евреи и язычники, сохраняющие при этом свою религию».

Переселение произошло по прошествии 13 лет (по Хиджру) после получения Мухаммадом первого откровения. Из них первые три года он действительно вел свои проповеди тайно. В целом же шокировавшее утверждение моего собеседника, что именно хизбуттахрировские идеологи первыми стали ориентироваться на тринадцатилетнюю практику Пророка, мягко говоря, не соответствует действительности. Не они одни на всем протяжении ислама ориентировались на тринадцатилетний период деятельности Пророка.

Во всяком случае, обратное доказывает и цитата из книги исламского ученого-богослова Ибн Хишам ал-Химйари (ум. примерно в 218/833 г. н.э.) «Жизнеописания господина нашего Мухаммада, посланника Аллаха» (Хрестоматия по исламу. Москва. Наука. 1994 г.), которая считается самой ранней и авторитетной после Корана: «...три года с начала его посланничества посланник Аллаха скрывал свое дело и держал в тайне до тех пор, как Аллах повелел ему открыть свою веру».

Набхани, на самом деле, разрабатывая идеологию партии и ее трехэтапные методы деятельности, ссылался на тринадцатилетнюю религиозно-политическую практику Пророка. Правда, по истечении этого срока ближневосточные хизбы успеха не достигли – ни одна из стран Ближнего Востока халифатом объявлена не была.

Желание «не потерять лицо» в условиях массового неприятия вольной трактовки исламской догматики вынудило главных идеологов партии ориентировать своих партийцев на тридцатилетний период. Но, ориентируя, не конкретизировали, чью историческую практику они выбрали своим новым политическим фетишем.

По прошествии и этого периода ссылки на какой-либо период прекратились, подменившись утверждением: «Мы достигнем успеха, когда это будет угодно Аллаху».

Уточнение – тридцать лет, принятое к новой ориентации, подразумевало не религиозно-политическую практику Пророка (она длилась 22 года), а период деятельности современников Пророка – Абу Бакра, Омара, Османа и Али, которые после его смерти поочередно становились халифами, внося свою лепту в сохранение, укрепление и развитие халифатской государственности и расширение ее границ, утвердившись в истории как халифы первозданной чистоты ислама.

В тексте «Программы Хизб ут-Тахрир» редакции 1985 г. 30-летний период деятельности четырех халифов не указан. Упомянуты первые 3 года 13-летнего периода жизни Пророка. Этот прием «неуточнения» должен был отвлечь рядовых хизбуттовцев и потенциальных приверженцев от провалов деятельности партии в предшествующие годы.

Но мне кажется, что даже не это было главным в новой редакции Программы. Важнее было закрепить в сознании партийцев образ Набхани (ум. в 1977 г.) как культового символа современности.

Айдын ГУДАРЗИ.
(Продолжение следует).

ЖЕЛАНИЕ «НЕ ПОТЕРЯТЬ ЛИЦО» В УСЛОВИЯХ МАССОВОГО НЕПРИЯТИЯ ВОЛЬНОЙ ТРАКТОВКИ ИСЛАМСКОЙ ДОГМАТИКИ ВЫНУДИЛО ГЛАВНЫХ ИДЕОЛОГОВ ПАРТИИ ОРИЕНТИРОВАТЬ СВОИХ ПАРТИЙЦЕВ НА ТРИДЦАТИЛЕТНИЙ ПЕРИОД.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Аббас отправляется на переговоры

Председатель Палестинской национальной администрации (ПНА) Махмуд Аббас на следующей неделе намерен отправиться в Дамаск для встречи с председателем исполкома «Движения исламского сопротивления» («Хамас») Халедом Машалем. Предполагается обсудить вопросы примирения «Фатха» и «Хамаса», а также создания коалиционного правительства.

Освобожден сотрудник консульства

В Ираке освобожден один из пяти сотрудников консульства Ирана, задержанных накануне американскими военнослужащими в ходе операции в городе Эрбиль по подозрению в причастности к терактам, сообщают французские СМИ. «Один из пяти арестованных отпущен на свободу, четыре человека остаются под стражей», говорится в опубликованном заявлении армии США, – передает РИА Новости.

По зданию выстрелили из гранатомета

Посольство США в Афинах подверглось обстрелу из гранатомета. В это время посольство было закрыто, в результате взрыва никто не пострадал. Нанесен незначительный ущерб зданию, в нескольких соседних домах вылетели стекла. Ответственность за взрыв в американском посольстве в Афинах уже взяла на себя организация «Революционная борьба».

За взятку – в суд

В Германии продолжаются суды над немецкими компаниями, дававшими взятки Саддаму Хусейну в рамках программы «Нефть в обмен на продовольствие». Под подозрение попали десятки компаний, поставлявших в Ирак самые разнообразные товары. В отношении части этих компаний уже введены штрафы.

Урок для кинематографистов

Федеральное бюро расследований США провело в Лос-Анджелесе первый в своей истории 4-часовой семинар для кинематографистов. Сотрудники ФБР обратились к ним с просьбой более реалистично отображать борьбу его сотрудников с терроризмом.

Самая яркая комета

На земном небосклоне появилась комета, которая может стать самой яркой за последние 30 лет. Небесная странница была открыта 7 августа 2006 года австралийским астрономом Робертом Макнотом, на счету которого уже было 30 ранее неизвестных комет. На момент обнаружения комета, выглядела весьма скромно – тусклая точка, которую нельзя было разглядеть невооруженным глазом.

Настоящий портрет Данте

Ученые университета итальянского города Болонья выяснили, как в действительности выглядел Данте Алигьери, автор «Божественной комедии». По словам антрополога Джорджо Группони, существовавшие ранее изображения Данте отражали «не внешние данные поэта, а его психологическую сущность». Для создания пластической версии лица Данте и его виртуального портрета ученые использовали череп поэта.

Олимпийские игры 2018 года

Франция выразила желание принять участие в борьбе за право проведения зимних Олимпийских игр 2018 года. Как сообщает РИА Новости со ссылкой на французскую прессу, принять главные соревнования четырехлетия собирается город Гап, расположенный в Южных Альпах. Ранее свое желание принять зимние Олимпийские игры изъявили норвежские Осло и Лиллехаммер. В этих городах уже проходили Игры – в 1952 и 1994 годах соответственно.

(www.NEWSru.com).

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

БАХТГА ЭЛТАР ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИ

Инсон умрига эътибор қаратсангиз ҳар қадами синовлардан иборат эканлигини чуқур ҳис қиласиз. Аниқроғи, келажакни белгиловчи, орзу-армонларни юзага чиқарувчи, ҳаётдаги мақомни юксалтирувчи эзгу амаллар мана шу синовларда мужассам. Оила салтанатини чиройли барпо этиш ҳам одамзот учун юксак бир талаб. Вафо-садоқатни асраш, юртга муносиб фарзандлар улғайтириш, оила таъминоти учун ҳалол меҳнат қилиш каби эзгу ҳаракатларнинг барчаси ҳаёт имтиҳонининг шартларидир. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Аҳмаджон Маҳкамов билан суҳбатлашаяпману хаёлимдан шу фикрлар ўтаяпти. Суҳбат асносида сездимки, келбати Алпомишдек, норғул бу йигитнинг ҳаётда бахт топиши осон кечмаган. Бироқ у ҳозир малакали, фидойи ҳарбий хизматчи, севимли умр йўлдош, армонлари ушалган меҳрибон ота. Келинг, яхшиси унинг умр йўлига, меҳр қўрғонида барпо этган оиласига биргаликда назар ташлайлик.

Аҳмаджон хизмат бурчини 1990 йили, айни мустақиллик арафаларида Россияда ўтаб қайтди. Хизматда сержант унвони билан взвод командирининг ўринбосари бўлганлигини ҳисобга олсак, уни ҳаракатчан, иқтидорли эканлигини англаш қийин эмас. У Миллий армиямиз сафига шартнома асосида хизматга киргунга қадар турли вазифаларда меҳнат қилди, оила қурди.

Оила истиқболи шубҳасизки меҳр-муҳаббат ва фарзандлар билан тўкин. Айниқса ўзбек хонадонини болаларсиз тасаввур этиш қийин. Аҳмаджонга эса фарзанд кўриш бахти оила қурганидан сўнг бир оз кечроқ – ўн йилдан сўнг насиб этди. Насиб этганда ҳам ҳаёт уни чеккан заҳматлари эвазига бира тўла уч эгиз фарзанд билан сийлади.

Фарғона вилояти Риштон туманига қарашли Оқ ер қишлоғида вояга етган лавҳамиз қаҳрамони шартнома бўйича ҳарбий хизматни Нукусда бошлади. Водийлик аёлларга хос ширинсухан ва майин Матлубахон ҳам турмуш ўртоғига елкадош бўлди, албатта. Маълум вақт ўтиб унинг фарзанд кутаётгани аниқ бўлгач, бу хушхабар водийга қанот қоқди. Бироқ чиқалоқларнинг уч эгиз туғулиши ҳатто шифокорларга ҳам номаълум эди. Болалар туғилишига яқин хизмат татилини олган Аҳмаджон ва Матлубахон ота-оналари томон Оқ ерга йўл олишди. Аммо бўлажак онани Тошкентга етиб келганида тўлғоқ тута бошлади. Бўлажак отанинг ўша ондаги ҳолатини келинг, ўзидан тинглаб қолайлик:

– Турмуш ўртоғимни поездда водийга жўнаш чоғида яъни темир йўл вокзалидан туғуруқхонага олиб боришга тўғри келди, – дейди Аҳмаджон ҳаяжонини яшира олмай. – Дастлаб қизалоғимиз Фотима дунёга келди. Орадан ўн минут ўтгач Ҳасан, шунча фурсатдан сўнг эса Ҳусан туғилганлигини хабар қилишди. Менимча бундай кутилмаган вазиятда ҳар қандай ота ўзини йўқотиб қўйса керак. Айниқса ўн йилдан буён фарзанд кутаётган бўлса. Бу қувончли воқеани тезда ота-оналаримизга хабар қилдим. Чунки биздан ҳам кўра бу кунларни кўришга улар интиқ эди. Февраль ойида фарзандларимиз икки ёшга тўлишади. Уларни соғлом улғайтиришимиз учун давлатимиз томонидан бир йиллик озиқ-овқат таъминоти белгиланди. Болалар ҳозирда дуркун вояга етишаяпти.

Эгизаклар бобою бувижонлари бағрида бир муддат тургач, ҳарбийлик касбига меҳри баланд дадажонлари томон отланишди. Оилага қўмондонлик томонидан ҳар томонлама қулайликларга эга уй берилди.

Биз шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Аҳмаджон Маҳкамов билан ҳарбий қисмда суҳбатлашганимиз учун оиласи, фарзандлари билан яқиндан танишиш ниятида хонадонига боришга қарор қилдик. Бизни хушрўйгина ҳарбий оила бекаси Матлубахон ва онажонларининг этагидан ушлаб бир зумда эшик олдига йиғилишган болажонлар қарши олди. Одатда болалар «кўча одами», дея таъриф бериладиган, яъни доимо иш билан банд бўладиган дадаларини интиқ бўлиб кутишади. Бўйнига осилиб, тиззасида ўтириб эркаланишни хуш кўришади. Бу гал ҳам албатта шундай бўлди. Фотима, Ҳасан ва Ҳусанжонлар бир зумда оталарини «забт» этишди. Дадаларининг бағрида эркаланиб, ўз тилларида тинмай чулдираётган, дилбандларининг кўнглига қараб меҳрини дариғ тутмаётган ота-болаларни четдан кузатиш биз учун ҳам завқли эди. Дастурхон тузашга уннаб кетган оила бекасининг чаққон ҳаракатлари эса унинг эпчил ва пазандалигидан далолат бериб турарди.

– Эгизакларни катта қилишимизда ҳамширалик касбини эгаллаганим жуда қўл келаяпди, – дейди Матлубахон суҳбат чоғида. – Шунингдек, болаларимиз доимо врач назоратида. Улар ҳозирда соғлом вояга етишаяпти.

Ҳарбий соҳада ўз ўрнига эга, оилада орзулари ушалган Аҳмаджон Маҳкамовлар хонадонидан кўтаринки кайфиятда қайтдик. Ҳарбий оила ҳақидаги мақоламиз тайёр бўлган бир пайтда оиланинг яқин дўстларидан Турғунбой ака Пирматов ҳам ушбу бахтли хонадон, унда вояга етаётган уч эгиз фарзандлар тўғрисида маълумот олиб таҳририятимизга кириб келди. Ҳамюртларимизни ўзаро меҳр-оқибати, ўзгалар қувончию дардига эътиборлилиги бизни руҳлантирди шубҳасиз.

Сўнги сўзимиз, эзгу тилагимиз, халқона айтганда, оила бахтига кўз тегмасин. Хонадон фарзандлари ота-оналарига муносиб, элу юртнинг ишонган тоғи бўлиб вояга етишсин.

Зулфия ЮНУСОВА.

ДИНАСТИЯ ВАЛИЕВЫХ

О своей мечте малыш говорил, гордо вскидывая руку к пилотке и переходя на строевой шаг.

С Леонидом Валиевым нам впервые довелось встретиться на принятии Военной присяги в Ташкентском высшем общевойсковом командном училище. Тогда на вопрос, почему он поступил в ТВОКУ, курсант ответил: «По-другому быть не могло. Это зов крови. Прадедушка, дедушка, отец – все военнослужащие. Без меня ряд неполный».

Вторая встреча произошла на полигоне, где третьекурсник блестяще продемонстрировал молодому пополнению нашей армии навыки стрельбы.

– Что, Леонид Леонидович, покоряется военная наука?

– Так точно!

– О выборе не жалеете?

– Это не просто выбор – это судьба!

Отправной точкой в ней стала служба начальника заставы Касыма Валиева. Его сын Леонид поначалу собрался поступать в Ленинградский мостостроительный институт, но беседа с представителями военного училища резко переменила его решение. На строителя-то он выучился, только на военного. Куда только не забрасывала служба Леонида Валиева - старшего! В южной точке у него родился сын Леонид.

Детская память цепко ухватила одну картину: дом рядом с воинской частью и впечатление, что во всем мире нет никого, кроме людей в форме.

Ленчик врастал в будущую профессию всем существом. В его экипировку непременно входило что-то специфическое: пилотка, панама, ремень. Без подобных деталей одежды – из дома ни шагу. Сначала мальчишку искали среди солдат, а потом спокойно дожидались малолетнего воина «со службы». Бывало уснет в клубе на руках у друзей – они его домой и принесут.

Где-то лет в пять, после детального знакомства с пограничниками, летчиками, военными водителями, пришло осознание того, что он должен быть одним из них.

Взрослые рассуждения мальца о будущем сводились к следующему:

– Разве можно быть кем-то, кроме военного.

Полигон для пацана превратился в настоящую страсть. В карманах звенели пустые гильзы, а он мечтал, как совсем-совсем скоро взлетит на военном самолете.

В летчики не взяли – зрение подкачало, зато перед вторым из Леонидов Валиевых открылась возможность изучения автомобильной и гусеничной техники в Самаркандском высшем военном автомобильном командно-инженерном училище. В Самарканде родился Леонид-младший, тот самый крепкий парень, который изумлял на полигоне молодое пополнение.

Не без гордости Леонид Леонидович вспоминает результаты вступительных экзаменов сына: вторая строка сверху. И как о чем-то самом простом и естественном говорит:

– Да у него и в мыслях не было пробовать себя в другой сфере.

Только одно решение принял тогда семейный совет Валиевых: раз папа служит в ТВОКУ (это сейчас у Леонида Леонидовича другая должность), сын пойдет в пограничное училище.

Так и прошел Леонид-младший дважды курс молодого бойца: в первый раз в пограничном училище, во второй – в ТВОКУ.

Задача поставлена – учиться так, чтобы фамилия Валиев звучала только в поощрительном контексте. Есть в семье еще один негласный закон: никаких жалоб на трудности военной службы. Здесь отец сына не услышит.

Ольга Витальевна, тоже военнослужащая, как-то обратилась к супругу:

– Давно Ленечку не видим. Может, в училище позвонишь...

– Пусть служит так, как все. Нечего выделяться!

Александр Валиев, одиннадцатиклассник, поднажал на математику: в ТВОКУ без нее нельзя.

– Хочу быть офицером! – говорит Саша. – Мне нравится военная техника, дисциплина, подтянутость. На моих глазах изменился брат – хочу быть на него похожим.

– Родители, безусловно, влияют на правильный выбор профессии детей, – считает подполковник Леонид Валиев, – но это не должно проявляться в императивной форме. Никогда в нашей семье не говорили: «Ты будешь военным!» К этому подводила жизнь. Главное – пример отца, тех людей, с кем общается ребенок. И у меня и у моих сыновей решение созрело в результате тесных контактов с военной средой. В военную профессию нельзя не влюбиться. Она мобилизует, делает серьезнее, формирует особое отношение к жизни, людям.

Помню, как мне говорил отец: «Родится у тебя сын, назови Леней. Может, имя в династию потянет». Увидел бы сейчас внука, был бы доволен.

Людмила ПОЛОНСКАЯ.

САҲНАДА – ҲАРБИЙЛАР ОИЛАСИ

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округида 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб «Энг намунали оила» кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди. Танловнинг биринчи ва иккинчи босқичлари жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтган эди ва ғолиблар округ миқёсида ўтказиладиган танловга қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган эдилар.

– Бу танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, – дейди округ хотин-қизлар қўмитаси раиси Тамара Маманова, – ҳарбий хизматчиларимизнинг оилаларини мустаҳкамлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ва тиббий маданиятларини ошириш, оилалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг кўнгилли маданий дам олишларини ташкиллаштириш, қолаверса, улар ўртасида ўзаро оилавий алоқаларни йўлга қўйишдан иборатдир.

Танлов округ сержантлар тайёрлаш мактабида кўтаринки руҳда ўтказилди. Унда Термиз гарнизонидан офицер Мурод Йўлчиевнинг оиласи, Бухоро гарнизонидан кичик сержант Комил Файзиевнинг оиласи ҳамда Қарши гарнизонидан офицерлар Баҳодир Агабеков ва Абдуқаҳҳор Саидалиевларнинг оилалари иштирок этишди ва бешта шарт бўйича баҳс олиб боришди.

Кўрик-танловда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари жумладан, Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Инобат Каримова, «Фидокорлар» миллий демократик партияси вилоят бўлими ходими Ойнисо Очилова, вилоят «Маҳалла» жамғармаси вакиллари, «Қашқадарё» газетаси мухбири Дилбар Кенжаевалар иштирок этишди.

Биринчи ўзини, оиласини таништириш шартида оила вакиллари ўзларининг қандай танишганликларини, оилавий шароитлари ва фарзандлари тўғрисида батафсил маълумот беришди. Таништириш жараёнида лирик чекинишлардан ҳам фойдаланишиб, шартни чиройли ва мукаммал бажаришга ҳаракат қилишди.

Иккинчи шартда иштирокчилар ўзларининг пазандачилик бўйича нималарга қодир эканликларини кўрсатишди. Ўзбек миллий таоми палов тайёрлаб, ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола қилишди. Шунингдек, турли хил шакароблар билан дастурхонни безашди. Ушбу шартда чаққонлиги ва моҳир пазандаликлари билан барча қатнашчилар юқори баллни қўлга киритишди.

– Ушбу беллашувда қатнашишни ҳохлаган ҳарбий оилалар кўпчиликни ташкил қилди, – дейди кичик сержант Муқаддас Холмуҳаммедова. Анъана тусига кириб бораётган танловимиз, ҳали кўп ҳарбий оилаларимизнинг чиройли ва ширин ҳаётларини намойиш этишларига имкон яратади, деган умиддамиз.

Учинчи «Уйга вазифа» шартида ҳарбий оилалар турмушда учраб турадиган ҳар хил оилавий муаммоларни саҳна кўринишлари орқали ифода этдилар. Эр-хотин муносабатлари, фарзандлар тарбияси каби масалалари уларнинг чиқишларидан ўрин олди.

Тўртинчи «Эркин мавзу» шартида иштирокчилар ўз қобилиятларига қараб, турли мавзудаги билим ва иқтидорларини намоён қилишди. Айниқса, ҳарбий хизматчиларнинг оилалари томонидан ижро этилган қўшиқ ва рақслар, таъсирли қилиб ўқилган шеърлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Сўнгги, бешинчи шартда оила бошлиқлари беллашишди. Уларга ҳакамлар ҳайъати томонидан махсус тузилган миллий қадриятларимиз, Ватанимиз тарихи ва ҳарбий соҳага доир саволлар берилди. Ҳарбийларимиз ушбу шартда ўзларининг қанчалик ақлий салоҳиятга эга эканликларини юксак савияда намойиш қила олдилар.

Қизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтган танловнинг якуний натижаларига кўра, офицер Б.Агабековнинг оиласи фахрли 1-ўринни эгаллаган бўлса, 2-ўринга офицер А.Саидалиев ва кичик сержант К.Файзиевларнинг оиласи муносиб топилди. Офицер М.Йўлчиевнинг оиласига эса 3-ўрин насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга округ қўмондонлигининг Фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Танлов сўнгида ёзилган байрам дастурхони атрофида, ғолиб оилаларга самимий тилаклар билдирилди. Хушовоз хонандалар ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқлар барчага байрамона кайфият бахш этди.

Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ.

БОЛАЖОНЛАР ТАБРИГИ

● Бизнинг дадамиз ва ойижонимиз ҳарбий соҳада ишлайдилар. Ҳар куни уларни чиройли ҳарбий либосда кўриб, кўзимиз қувнайди. Айниқса, дадажонимиз офицерлик кийимини кийиб олганларида, кўзларида шижоат ва матонат ҳисси акс этиб туради. Уларни кўриб, жуда-жуда ҳавасимиз келади. Чори тоғамиз ҳам ҳарбийлик соҳасини танлаган, чунки бу касб энг кучли ва қўрқмас кишиларга хосдир. Ойижоним бу касбнинг машаққати ҳақида бизга ҳикоя қилиб берганлар. Биз ота-онамизнинг изидан бориб, жонажон Ватанимизга қалқон бўлишни истаймиз. Бугун мард ва жасур посбонларимизнинг байрамидир. Шулар қаторида ота-онамизни ҳам чин юракдан табриклаймиз. Бахтимизга омон бўлишсин.

Бекзод ва Шаҳноза ҚОСИМОВАлар.

● Менинг дадам ҳам ҳарбий соҳада ишлайди. Уларнинг касби менга жуда ёқади. Шу сабабли мен ҳам офицер бўлмоқчиман. Орзуимни ота-онам қўллашади. Ҳозирдан мактабда аъло баҳоларга ўқияпман, чунки Ватанимизнинг чинакам посбони бўлиш учун ҳар томонлама етук, билимли ва қатъиятли бўлиш шарт. Ота-онамни касб байрамлари билан табриклаб, уларнинг изидан боришга, элимиз саломатлиги йўлида тер тўкишга ва ана шу эзгу орзуим ушалишига астойдил интиламан.

Исломбек СОДИҚОВ.

● Бугун байрамларнинг энг улуғидир. Ватан ҳимоячилари куни оиламизда катта тантана билан ўтади. Негаки, дадажоним ва ойижоним ҳарбийлик соҳасини танлашган. Улар юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, бизнинг бахтимизни таъминлашни ўзлари учун шараф деб биладилар. Укажоним ҳам келажакда дадамиз сингари офицер бўлишни орзу қилади. Чунки бу касб эгаси бўлиш ҳам шарафдир.

Мен ота-онамни касб байрамлари билан қутлаб, дунёдаги энг эзгу тилакни – доимо саломат бўлиб юришларини, ўзларига жудаям ярашиб турган ҳарбийлик либоси кўрк бўлиб туришини тилайман. Уларни ҳамма яхши кўради, чунки улар Ватанимизнинг тинчлигини асрайдилар. Улар билан фахрланаман.

Эъзоза УСМОНОВА.

● Дадамлардек қўрқмас посбон бўламан,
Озод юртимга қалқон бўламан!

ЎҒЛИМ

● Бу катта дунёни иккитагина устун ушлаб туради – Эркак ва Аёл! Гар бу устунларнинг бири сал оғса, дунё мувозанатини йўқотади, замин зириллайди. Демак, дунёни тутиб туриш – бу илм, уни ҳар икки тоифага ўргатиб бориш эса ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ўғлоним, бахт ва бахтиёрликнинг сони минг битта. Унинг туси ҳам, мазаси ҳам турфа ва сонсиздир. Дарвоқе, бахтиёрликнинг ўзи нима? Назаримда, унинг энг содда таърифи – Қониқиш. Сенга тааллуқли бўлган инсонлар, муҳит ва ишларингдан кўнглинг тўлишидир. Аммо бу дунёнинг ҳисоб-китоби жуда қаттиқ: бермагунингча ололмайсан! Ҳар бир инсон – иқлим яратувчи манба, нур узатсанг, атрофинг чаман бўлади, музлаб турсанг, баҳорни ҳам қишга айлантирасан. Демакки, бахтиёр бўлиш учун аввало ўзингни унга муносиб айла. Бошқача қилиб айтганда, Бахт сенга туҳфа қилиб берилмайди, йўл топиб, унинг қошига ўзинг борасан. Ўғлон болам, шу йўлингда кўмакчи бўлайлик деб, ушбу рисолани битяпмиз.

● Ёдингда бўлсинки, «ўғлим» дегани «нур-гул» дегани! «Йигит» дегани «бургут» дегани ва «ўғлон» дегани «полвон» деганидир! Бошқача бўлишга ҳаққинг йўқ, балки полвон бўлишинг қийиндир, аммо полвонликка интилишинг шарт, чунки сен ўзинг туғилган остонанинг бору йўғига жавоб берасан. Мўйлабинг сабза ургандан бошлаб, отанг четга чиқиб, ўртага сен тушасан. Энди посбон ўзинг, уйингдагилар бошига қор-ёмғир ёғдирмайдиган ёпинчиқ ўзинг, уларнинг кўча ишларини тенг бўлишадиган суянчиқ ўзингсан. Қоматингга, феълингга бир назар сол-чи, шу юмушларга ярайсанми ё йўқ? Ўғил боланинг ўзи ҳам, сўзи ҳам йирик бўлиши керак! Ҳамма онасидан бир парча эт бўлиб туғилади. Оилангга қўрғон бўлмоққа бўлимли бўлишинг керак – бунинг учун аввало мушакларингни етилтир. Аёлингга, боланга сорбонликка яраш учун илмли бўлишинг керак экан, демак, биринчи ишинг ўйлангунча илмли, ҳунарли бўлиб олишдир!

● Ўғлоним, «шаън» деган қимматбаҳо сўз бор уйда сен туриб, оиланинг жисмоний ишларига ота-онангнинг бошқаларга юкинишлари ёки сен турганда болга, кетмон кўтариб юришлари «биз яроқсиз бола боқиб қўйдик, на қилайлик», дея сени эл ўртасида сазойи қилишлари билан тенгдир.

Сени бутунликка етаклайдиган нарса «йигитманми, йигитдай бўлишим шарт» деган ориятдир! Ўғлоним, умринг бўйи ўзингни «сен»лаб Ориятни «Сиз»лаб ўтгин! Бўйнингдан ориятинг баланд бўлсин! Ўғил боланинг биринчи ярашиғи шу!

Турсуной СОДИҚОВА.

ДЕВУШКА НЕДЕЛИ

Анастасию ЖУРАВЛЕВУ не надо особо представлять любителям легкой атлетики. На недавних Азиатских играх в Катаре представительница МХСК завоевала бронзовую медаль в тройном прыжке. Девушка также успешно выступает в состязаниях по прыжкам в длину, достойно защищая спортивную честь Узбекистана на мировой арене. Тренирует талантливую спортсменку Валерий Казаков. Именно о таких, как Настя, можно сказать: красавица, активистка и, наконец, спортсменка...

Милые девушки! У каждой из вас есть шанс разместить свою фотографию в одной из самых популярных рубрик нашей газеты и стать «Девушкой недели» «Ватанпарвара»!

Отправьте на адрес редакции свое лучшее фото (цветное, размер не менее 10х15 см). В краткой форме расскажите о себе, о своих увлечениях, жизненных ориентирах и предпочтениях. Обязательно укажите свой почтовый адрес и контактный телефон (эта информация только для редакции, ее конфиденциальность мы гарантируем).

Ну а та девушка, чья фотография соберет наибольшее количество откликов читателей, станет обладательницей нашего приза.

СМОТР МАСТЕРСТВА

Накануне 15-летия Вооруженных Сил нашей страны и Дня защитников Родины состоялись областные состязания среди преподавателей по допризывной подготовке молодежи.

Они были организованы совместно бухарскими областными управлениями народного образования и по делам обороны, областным отделом Организации содействия обороне "Ватанпарвар". Участники состязались в стрельбе из пневматического оружия и в беге на дистанцию 3000 метров. Победителем соревнований, показав лучший результат, стала команда Гиждуванского района в составе Арифа Алимова, Баходира Шаропова, Кузимурада Ядгарова, Бурона Амонова. Они получили путевки на республиканский этап соревнования.

Э. ЯДГАРОВ,
корр. УзА.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Ватанни юракдан сева билганлар уни онасидек севадилар. Онани рози қилганлар эса Ватанни рози қилган бўлади, албатта. Шундай экан, онгли инсон борки, зиммасидаги инсонийлик бурчини адо этиб, она-юртнинг ҳар қарич тупроғини кўз қорачиғидек асрамоғи керак. Сарлочин йигитларимиз ана шундай фазилатга эгадирлар. Уларнинг борлигига шукрона айтиб, омонлигимизни асраётганларга бағишлаб шеър битган нуроталик шоир Фахриддин Эрназаровнинг қуйидаги мисралари шояд сизнинг дилингизга ҳам қўшиқ мавжини солса.

АСЛ ЎҒЛОНЛАРИ БОР ВАТАН

Бахт макони, гулзор ўнгу сўллари,
Ойга етар агар чўзса қўллари.
Тўғри, равон, ойдин, оқдир йўллари,
Ватан деган ўғлонларимиз бордир.

Эл қувонар қадди-бўйин кўрганда,
Ўт чақнайди қадамидан юрганда,
Дош беролмай тоғ қулайди урганда,
Ватан деган ўғлонларимиз бордир.

Меҳри тушса қуёш бўлиб порлаган,
Қаҳрланса, тоғнинг бошин қорлаган,
Олтин бўлиб Ватанини зарлаган,
Ватан деган ўғлонларимиз бордир.

Ватан деса этик билан сув кечган,
Ватан деса сувлиқ билан сув ичган,
Ватан деса еру самони қучган,
Ватан деган ўғлонларимиз бордир.

Жангга кирса жасоратда тенги йўқ,
Ёв кўксини пора қилар бўлиб ўқ,
Жисму жонин куйдиради мисли чўғ,
Ватан деган ўғлонларимиз бордир.

СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Армия спорти

АВВАЛ ГИМНАСТИКА, СЎНГ ТАЭКВОНДО

Демократик тамойилларга асосланган Республикамиз Конституциясининг 8-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади». Ҳа, мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшашларига ҳуқуқий асос бўлган ушбу муҳим ҳужжатда юртимизда яшовчи халқларнинг ўзаро тенг ва аҳил яшашлари қонун йўли билан кўрсатиб қўйилган. Ўз ўрнида инсонпарварликка асосланган Бош Қомусимиз халқаро майдонда юқори баҳоланди. Айни дамда гўзал диёримизда ўзбеклар билан бирга яшаб келаётган рус, украин, қозоқ, корейс ва бошқа миллат вакиллари бу муқаддас заминни ўзларининг Ватани ҳисоблаб, ўлкамизнинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Айниқса, спорт соҳасини оладиган бўлсак, юртимиз спортининг ривожида, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг алоҳида ўрни бор. Арман миллатига мансуб чарм қўлқоп устаси Артур Григорян рингда бир неча бор ғолибликка эришиб, «Қирол Артур» номини олган ҳолда Ўзбекистон номини жаҳонга янада машҳур қилган бўлса, яна бир ҳамюртимиз туркман миллатига мансуб Оқгул Омонмуродова кортларда муносиб баҳс олиб бориб, ўзбекистонлик қизларнинг ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлади. XV Осиё ўйинларида терма жамоамиз ҳисобини битта олтин ва битта кумуш медаль билан бойитган татар миллатига мансуб енгил атлетикачи Гўзал Хубиева ёки бир неча йиллардан буён халқаро майдонда спорт гимнастикаси бўйича ютуқларга эришиб келаётган рус миллатига мансуб юртдошимиз Оксана Чусавитина мамлакатимиз спортининг довруғини оламга ёйишмоқда. Бугунги лавҳамизда Ватанимиз номини улуғлаётган яна бир ёш, истеъдодли спортчи ҳақида ҳикоя қиламиз. Зеро, корейс миллатига мансуб ушбу спортчимизнинг халқаро ареналардаги ғалабаларидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Галина ёшлигидан спортнинг бадиий гимнастика турига алоҳида меҳр қўйди. Бундан хурсанд бўлган қизчанинг онаси Наталья «Қизим соғлом бўлиши баробарида унинг қомати ҳам гўзал бўлади», дея Галинани спорт клубига олиб борди. Тиришқоқ қизалоқ бу ерда тажрибали мураббийлар қўл остида бадиий гимнастиканинг сир-синоатларини ўзлаштирди. Дам олиш кунлари ҳам тинимсиз машғулотга қатнайдиган Галина бир кун отаси билан таэквондо клубига борди. Отаси Алексей ҳам тажрибали спортчи бўлиб, ҳатто бир қанча мусобақаларда ғолибликни қўлга киритганди. Қизча анча вақт таэквондо (ITF) клубида спортчиларнинг қизғин машқларини томоша қилиб, «Мен ҳам ушбу спорт тури билан шуғуллансам, бўлмасмикан?», дея ўйлаб қолди. Оила бошлиқлари келишган ҳолда уни шаҳардаги 18-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига олиб боришди. Қизча энди спорт ва дарсларни бирваракайига олиб борар, дарсдан бўш вақтида эса «Арион» клубига йўл оларди. Бу ерда унга тажрибали мураббий Юрий Шин таэквондо (ITF) бўйича сабоқ берарди. Клубда тенгқурларидан устунликка эришган ёш спортчи 1995 йил пойтахтда болалар ва қизлар ўртасида уюштирилган шаҳар биринчилиги мусобақаларида иштирок этди. Катта мусобақада татамига илк бора чиққан 8 яшар қизчанинг ҳаяжони ичига сиғмасди. Кумсе баҳсларида у муросасиз беллашди ва мураббийининг ишончини оқлади. Ахир Галина биринчи маротаба мусобақада қатнашаётганлигига қарамасдан ўзига ишонган ҳолда жанг олиб бориб, иккинчи ўринни қўлга киритди. Бундай ютуқ унинг ота-онасини ҳам хурсанд қилмай қўймади. Айниқса, Наталья аввалги сўзидан қайтиб, энди қизининг спорт билан шуғулланишига алоҳида эътибор бера бошлади. Жиддий машғулотлар қизалоқнинг маҳоратини янада шакллантирди. У 1997 ҳамда 1998 йиллар ўсмирлар ўртасида таэквондо (ITF) бўйича ўтказилган пойтахт биринчилиги баҳсларида ўз вазни тоифасида кетма-кет биринчиликка эга бўлди. 2002 йил эса у Тошкентда таэквондо (ITF) бўйича уюштирилган республика миқёсидаги турнирда биринчиликни қўлга киритиб, тенгқурлари ўртасида тенгсиз эканлигини исботлади. Галина 2003 йил Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий спорт клубига келгач, имконияти янада ортди. У бу ерда етакчи мураббийлар Вячеслав Пак ҳамда Герасим Пакдан янги-янги билим ва усулларни ўрганиш баробарида халқаро ареналарда ўз маҳоратини намойиш қилишга имконият яратилди. 2004 йилнинг ўзида Галина Қозоғистоннинг Олма-ота ҳамда Тожикистоннинг Турсунзода шаҳарларидаги халқаро турнирларда совринли ўринларни банд этиб, ўзбек таэквондо (ITF) мактабининг анча тараққий этганлигини кўрсатган бўлса, ўша йил Жанубий Кореяда ўтказилган Хверанг фестивалида унга яна омад кулиб боқди. Фестиваль дастуридаги баҳсларда татамига чиққан вакиламиз 3-ўринни қўлга киритди. 2005 йил истеъдодли таэквандочимиз учун анча омадсиз кечди. У ўнг қўлидан олган жиддий жароҳати туфайли ярим йил татамига чиқолмай, бир қанча халқаро турнирларни ўтказиб юборишига тўғри келди. Узоқ муддатли танаффусдан сўнг яна Галина татамига қайтди. 2006 йил бошида таэквондо (ITF) бўйича Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё чемпионатида 47 кг. вазнда баҳс олиб бориб олтин медални қўлга киритди. Озгина танаффусдан сўнг ҳам спортчи ўз формасини тиклаб олиши учун анча катта куч ва матонат керак бўлади. Кучли ирода соҳиби бўлган Галина олти ойдан сўнг ҳам ўз маҳоратини кўрсата олди. Йилнинг сентябрь ойига келиб, у яна бир нуфузли мусобақа "SIZM" яъни ҳарбий аёллар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида муносиб баҳс олиб бориб, Сеул татамисида таэквондо (ITF)нинг кумсе йўналиши бўйича ўз вазнида олтин медаль соҳибига айланди.

– Мақсадим, 2008 йил Хитойда ўтказиладиган олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, юртим спортининг жаҳонда янада юксалишига ўз ҳиссамни қўшсам, – дейди Қуролли Кучлар хизматчиси, II дан қорабелбоғ соҳибаси Галина Хан. – Айни дамда армия спортини шарафлаётганимдан ниҳоятда мамнунман.

Машқларда маҳоратини шакллантириб бораётган ушбу ёш ҳарбий спортчи қизимизнинг орзулари улкан. Халқаро ареналарда обрў қозониб бораётган тошкентлик Галинанинг юртимизнинг машҳур спорт маликалари Оксана Чусавитина, Ирода Тўлаганова сингари Ўзбекистонни шарафлашига ишонамиз.

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

РИНГ ЗАКАЛЯЕТ ХАРАКТЕР

Служащему Вооруженных Сил мастеру спорта международного класса Эльшоду Расулову чуть больше 20 лет. Он является победителем первенства мира, чемпионом мира среди представителей Вооруженных Сил, чемпионом XV Азиатских игр.

Практически до 15 лет Эльшод никак не мог, как он сам говорит, «пристать к родному берегу». То есть, как и многие мальчишки Ферганской долины, увлекался различными видами спорта, в том числе футболом, легкой атлетикой, другими игровыми видами спорта, даже белбогли курашем.

Но все это были не слишком серьезные увлечения. Эльшод не мог найти себя в определенном виде спорта. Так, он в пятнадцатилетнем возрасте пришел в секцию бокса к тренеру Набижону Байматову. Заметим, что к этому времени Эльшод уже развил в себе такие спортивные качества, как ловкость и быстрота, сила и выносливость.

Предоставим слово первому тренеру Н. Байматову:

– Ко мне Эльшод пришел с очень хорошими боксерскими данными. Этого я не заметить не мог. И тогда сказал своему новому воспитаннику, что только благодаря упорному труду, настойчивости и целеустремленности можно чего-либо достичь в нашем виде спорта. Должен отметить, что у Эльшода трудолюбия, «хватки», дисциплинированности хватало на двоих. Он упорно тренировался, оттачивал каждый боксерский прием и удар. И результат не заставил себя долго ждать. Уже через год мой подопечный уверенно выигрывает у своих сверстников в районе, области, затем еще через некоторое время и в республике. Стремительный взлет его карьеры в боксе специалисты заметили сразу, и тренерский совет после очередной победы Эльшода на первенстве страны среди молодежи без сомнения выставил на мировое первенство в весовой категории до 69 кг именно его. Мой воспитанник доказал, что среди молодежи в этом весе в 2002 году ему не было равных.

Будучи студентом Ферганского государственного университета, в том же году Эльшод изъявил желание стать служащим Вооруженных Сил, спортсменом Школы высшего спортивного мастерства МХСК. Почему именно армейский спортивный клуб МХСК? Наверное, лучше всех на этот вопрос ответит сам Эльшод Расулов:

– Дело в том, что я и дальше хочу наращивать свое спортивное мастерство, добиться в боксе новых высот. Ведь у меня мечта и цель – стать чемпионом мира, Олимпийских игр и получить звание заслуженного спортсмена Республики Узбекистан. А этого, насколько я реально понимаю и знаю, можно добиться только в армейском спортивном клубе. Ведь здесь есть все необходимые условия для дальнейшего спортивного роста.

Попав в руки старшего тренера МХСК, начальника спортивной команды по боксу мастера спорта международного класса капитана Уйгуна Сиддикова, Эльшод Расулов начал новую полосу в своей спортивной жизни. Он, уже как армеец, вступает в большой спорт и «взрослый» бокс. Эльшод Расулов в 2004 году в США впервые выступает на чемпионате мира среди вооруженных сил. И в своей весовой категории до 69 кг он уступил лишь в финальном бою.

Так, вместе со спортивным ростом и взрослением Расулов набирал и вес. А весогонка отнимает много сил и энергии у спортсмена. Поэтому в 2005 году в качестве эксперимента и проверки «на прочность» капитан Уйгун Сиддиков на взрослом чемпионате Узбекистана Эльшода Расулова выставляет в весовой категории до 75 кг. И спортсмен МХСК с этой задачей справился блестяще: он уверенно и красиво победил во всех встречах.

В прошлом году на чемпионат мира среди вооруженных сил в Германии Эльшода Расулова выставляют в весовой категории до 75 кг. Он здесь продемонстрировал скоростной, атакующий бокс и по праву завоевал золотую награду.

Под занавес ушедшего года на XV Азиатских играх наш соотечественник мастер спорта международного класса Эльшод Расулов, по мнению специалистов и любителей бокса, был признан одним из лучших боксеров на Азиатском континенте. Его финальный поединок с чемпионом Афинской олимпиады, заслуженным мастером спорта Махатбеком Артаевым специалисты бокса и тренеры до сих пор вспоминают с восхищением. Тогда Эльшод Расулов победил олимпийского чемпиона с убедительным перевесом в 10 очков.

Теперь у спортсмена МХСК, мастера спорта международного класса Эльшода Расулова началась планомерная подготовка к предстоящим крупным соревнованиям: чемпионатам мира, международным турнирам и Олимпийским играм в Пекине. Надеемся, что и на этих состязаниях Эльшод Расулов добьется высоких результатов и пополнит свою коллекцию наград новыми медалями высшей пробы.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.



Кўнгилга ташриф

КУЛИНГ, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ

БАҲРОМ МАҲМУДОВ

Халқимизда кулгу умрни узайтиради, деган нақл бор. Дарҳақиқат, моҳир сўз усталарининг ҳар бир чиқишларидан кўнгил ғуборлари кўтарилиб, руҳимиз енгил бўлади ва кайфиятимиз яхшиланади. Бугунги саҳифамиз меҳмони Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблида айнан қизиқчилик йўналишида самарали хизмат қилиб келаётган санъаткор Баҳром Маҳмудовдир.

Баҳром Маҳмудовнинг фаолияти жуда серқирра. Унда фақатгина қизиқчилик эмас, балки тақлид санъати ва пантомима, яъни воқеа-ҳодисани сўзсиз имо-ишора, хатти-ҳаракат ва юз ифодаси билан етказиб бериш маҳорати ҳам жуда кучли. Ижодкорнинг бу истеъдоди ҳақида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, «Муштум» журнали бош муҳаррири Ашурали Жўраев шундай деган эди: «– Баҳромда ўзига хослик бор, пантомима билан томошабинни ишонтира олади. Унинг пантомималарида жаҳонда рўй бераётган технологик ўзгаришлар моҳирлик билан акс эттирилади. Биз бу ижодкорнинг қийинчиликларни енгиб ўтиб етук қизиқчилар сафидан жой олишига ишонгимиз келади».

Баҳром Маҳмудовни айниқса ҳарбийлар сўзга уста, ташкилотчи санъаткор сифатида ҳам жуда ҳурмат қилишади ва унинг чиқишларини олқишлар билан кутиб олишади. Концерт ва тадбирларда у сўз устасигина эмас, балки, моҳир актёр сифатида ҳам намоён бўлади.

Санъаткор ҳар бир чиқиши билан эстрада санъати устаси эканлигини намойиш этиб, концерт дастурларида томошабинларни ҳам фаол қатнаштиради. Республика қизиқчилар ва аскиячиларнинг 6- анъанавий кўрик танловининг 2-ўрин соҳиби Баҳром Маҳмудов билан суҳбатимиз айнан қизиқчилик фаолияти хусусида бўлди.

– Баҳром ака, санъат соҳасига кириб келишингиз ҳақида гапириб берсангиз?

– Ёшлигим Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида ўтди. Биласиз, водийликлар санъатни севадиган, қадрлайдиган инсонлар бўлишади. Менда ҳам ёшлигимдан актёрлик қобилияти бор эди. Ота-онам, қариндошуруғларим буни ҳалигача таъкидлашади. Чунки укам иккаламиз уйимизга меҳмон келса дарров пардаларни тўсиб, уларга ҳар хил саҳна кўринишлари қўйиб берардик. Бундан меҳмонлардан ҳам кўра ўзимиз хурсанд бўлардик. Мактабда ўқиб юрган кезларимда ҳам бадиий ҳаваскорлик тўгарагига қатнашиб, мактабдаги барча тадбирларда ўзимиз тайёрлаган саҳна кўринишларимиз билан фаол иштирок этардим. Бу тўгарак менинг актёрликка бўлган қизиқишимни янада орттирди. Шунинг учун ҳали мактабни битирмасимданоқ мен албатта санъаткор бўламан, деб ният қилиб қўйган эдим. Мактабни битирганимдан сўнг, ҳеч иккиланмай Тошкент театр ва рассомчилик институтига ўқишга кирдим. Бу ўқув даргоҳи мен учун ҳақиқий ҳаёт мактаби бўлди. Чунки шу ерда ўқиб, актёрликнинг ҳали менга нотаниш бўлган қирраларини кашф қилиб, бу соҳани мукаммал эгаллашга ҳаракат қилдим. Мен санъат соҳасини танлаганимдан афсусланмайман.

– Инсон ҳаётда, ижодда устозга эргашади, ундан йўл-йўриқлар олади, унга ўхшашга ҳаракат қилади. Сиз кимларни ўзингизга устоз деб биласиз?

– Институтнинг биринчи курсида таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг қўлида таълим олдик. Мен бу инсонни институтдаги биринчи устозим деб биламан. Чунки Баҳодир акадан актёрлик маҳоратини, сир-синоатини, саҳнада ўзини тутиш маданиятини ўргандим. У доим бизга қаттиққўллик билан ҳар бир сабоқни тезроқ ва яхшироқ ўзлаштиришга ундарди. Мени илк бор катта саҳнага олиб чиққан, қизиқчилик соҳасидаги устозим эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Обид Асомов бўлади. Обид ака билан институтда бирга ўқиганмиз. Мен ўша пайт учинчи курсда, Обид ака эса рассомчилик факультетида юқори курсда ўқирди. У киши билан турли тадбирларда, тўйларда учрашиб қолардик. Бир куни тадбирда Обид ака «Обид А» деб номланган театр очаётганлигини айтиб мени шу театрга ишга таклиф қилди. Рози бўлдим ва илк фаолиятимни шу ерда бошладим. Кейин эса ота-онамнинг қистови билан ишимни ташлаб Қўқонга кетишга мажбур бўлдим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай яна Тошкентга қайтиб келдим ва ижодимни давом эттирдим.

– Телевиденияда «Бўш ўтирма» кўрсатувининг «Пантомима» саҳифасида ҳар хил этюдларингиз билан қатнашиб турардингиз. Нега ҳозир кўринмаяпсиз?

Тўғрисини айтсам, гастроль сафарларидан, тадбир ва концертлардан бўшамаяпмиз.

– Сизда пантомима ва тақлидчилик маҳорати жуда кучли. Бу ҳам ижодий фаолиятингиз давомида ўзингизда кашф қилган истеъдодингиздан далолат бўлса керак?

– Тўғри айтдингиз, қизиқчилар, менинг назаримда кузатувчан бўлишади. Шу жумладан менда ҳам кузатувчанлик кучли. Доимо ҳайвонот олами, жисмлар, мусиқий асбобларнинг овозларига эътибор бериб, шу овозларга тақлид қилиб ўхшатишга ҳаракат қиламан.

Пантомима йўналишига келсак, талабалик чоғларимда Тошкентда «Республика замонавий рақс – Брекданс фестивали» бўлиб ўтди. Биз ҳам, яъни мен ва Бурҳон Шаропов иккимиз понтомима йўналишда тайёрланган махсус чиқишимиз билан фестивалда қатнашдик ва лауреат бўлдик. Шундан сўнг пантомимага қизиқишим ортди. Ўз устимда тинмай ишладим. Бу изланишларимнинг самарасини эса концертларда кўраяпман. Томошабинлар мен тайёрлаган понтомималарни катта қизиқиш ва олқишлар билан кутиб олишади.

– Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблидаги фаолиятингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

– Ансамблдаги фаолиятимни 1993 йилдан бошлаганман. Ушбу ансамблга ишга киришим ҳам қизиқ бўлган. Менга ўша пайтдаги ансамбль раҳбари Шуҳрат Умиджонов ансамблда ишлаш учун бадиий кенгашдан ўтишимни айтди. Бадиий кенгашни эса бир ой кутдим. Бир куни чақириб қолишди, бордим. Буни қарангки, бадиий кенгаш айнан концертга тўғри келди ва мен концертда илк бора ансамбль номидан чиқиш қилдим. Очиғи, роса ҳаяжонлангандим. Лекин бу менга юклатилган «жанговар» топшириқ эди.

Саҳнада ўзимни эркин тутишга ҳаракат қилдим. Мана шу воқеадан бери орадан ўн уч йил вақт ўтди. Шундан буён ҳарбий санъаткорлар сафида туриб юртимиз посбонларининг кайфиятини кўтаришга, уларнинг юзига озгина бўлса-да табассум улашишга ҳаракат қилиб келаяпман. Қайси округ, гарнизонга, ҳарбий қисм ёки муассасага бормайлик «Ўзимизнинг ҳарбий санъаткорлар» дея хурсандчилик билан кутиб олишади, эъзозлашади. Мен бундан жуда ҳам мамнунман.

–Мухлисларингизга оилангиз ҳақида ҳам маълумот бериб ўтсангиз.

Турмуш ўртоғим Шоҳидахон билан фарзандларимиз, Бурхонжон ва Шуҳратжонларни тарбиялаяпмиз. Иложи борича бўш вақтларимни оилам даврасида, фарзандларим билан ўтказишни хуш кўраман. Чунки жуда кўп вақтим гастроль сафарларида ўтади. Шоҳидахон мени ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Санъатимни қадрлайди.

– Байрам муносабати билан Ватан ҳимоячиларига тилакларингиз.

– Мен энг шарафли касб соҳиблари бўлмиш ҳарбийларни жуда қадрлайман, ҳурмат қиламан. Ўзим ҳам улар сафидан жой олганимдан чексиз фахрланаман. Юрт тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги, эл осойишталигини таъминлаш мана шу посбонлар зиммасида. Тилагим, ватанимиз ҳимоячилари ушбу эзгу мақсад йўлида ҳормай-толмай хизмат қилишсин. Оилаларида тинчлик-тотувлик, хотиржамлик йўқолмасин. Доимо ўз бурч ва масъулиятларини сидқидилдан адо этиб, халқимизнинг асл ўғлони бўлишсин.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА суҳбатлашди.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ.

КИФТИМИЗДА ТУТГАЙМИЗ ЭЛНИНГ ОРУ ШОНИНИ

ИШҚИНГ БИЛАН ЁНУРМАН, ВАТАН!

Кўзим очиб кўрганимсан, ҳур маконим,
Жаннатлардан ҳам зиёда, гул маконим,
Азал абад дунёга машҳур маконим,
Қуёшдай ҳур чеҳрангдан завқ олурман мен,
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!

Муқаддас бу тупроғингнинг гарди бўлиб,
Шовуллаган чинорингнинг барги бўлиб,
Жафокаш, мард элимнинг ҳамдарди бўлиб,
Ўтмишингни ўйлаб, ўйга толурман мен,
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!

Шукроналар айтиб бахтинг, тинчинг учун,
Бир пойдевор бўлай майли синчинг учун,
Бахш айлабон сенга умрим, қалбим кучин,
Кундан-кунга кучга тўлиб борурман мен,
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!

Гар бағрингда сарғайган бир хасни кўрсам,
Тақдирингга бепарво бир касни кўрсам,
Нон-тузингни унутган нокасни кўрсам,
Бағрим ёниб, ғазаб ичра қолурман мен,
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!

Сени севмоқ – ҳар кун қилган савобимдир,
Тупроғингни ўпмоқ – эзгу тавофимдир,
Ёвузларга нафрат – кескин жавобимдир,
То тирикман, ёвга қирон солурман мен,
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!

Гоҳ бошимда қуёш бўлиб балқийдирсан,
Гоҳ кўзимда кўзёш бўлиб қалқийдирсан,
Мен кетурман, сен – абадий, боқийдирсан,
Қучоғингда бир нур бўлиб қолурман мен,
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!

ДУНЁГА КЕЛДИНГУ...

Ҳар тонг уйғонмасанг дилда ишқ билан,
Булбулга жўровоз бир қўшиқ билан,
Ёв келса чиқмасанг қўлда тиғ билан,
Дунёга келдингу келмадинг нима,
Сен инсон бўлдингу бўлмадинг нима?!

Севсангу севганинг дардин сезмасанг,
Мажнун янглиғ дашту саҳро кезмасанг,
Бир умр ёр учун қалбинг эзмасанг,
Ишқида ёндингу ёнмадинг нима,
Сен ошиқ бўлдингу бўлмадинг нима?!

Эл дарди ўтмаса юрак-бағрингдан,
Ёвлар титрамаса ғазаб-қаҳрингдан,
Юраклар ёнмаса ёзганларингдан,
Туғёнга тўлдингу тўлмадинг нима,
Сен шоир бўлдингу бўлмадинг нима?!

Сўнгги дам ортингдан фарёд қолмаса,
Эзгу бир хотира, бир от қолмаса,
Инсоний номингдан исбот қолмаса,
Дунёга келдингу келмадинг нима,
Сен одам бўлдингу бўлмадинг нима?!

Зикрилла НЕЪМАТ

В ДЕНЬ ЗАЩИТНИКОВ РОДИНЫ

Как опорочить нас бы ни хотели,
Мы испытанья выдержать смогли –
Своим путем идя к великой цели,
15 лет с достоинством прошли!..
На памяти – как армия рождалась –
Совсем не для интриг, не для войны,
Она доктриной мирной утверждалась
Как верная защитница страны.
Свой нынче юбилей она встречает
Готовностью высокой, как всегда,
Чтоб не посмела нечисть никакая
Нам вызов дать нигде и никогда!
Других не хуже – факт неоспоримый,
Других не будем никогда слабей,
Ведь армия твердыней нерушимой
Стоит на страже Родины своей!
И молодежь идет служить с охотой
Во благо независимой страны,
Где с президентской к воинам заботой
Для них задачи каждому ясны.
Служить они ответственно стремятся,
За то им – уваженье и почет,
Недаром нашей армией гордятся
И Президент страны и наш народ!

Николай БУРТЫШЕВ.

СЕНИ АСРАЙМИЗ ВАТАН

Қуролланиб сафларда шаҳдам
қадам ташлаймиз,
Бурчимизга муносиб саф қўшиғин
бошлаймиз,
Душманларга беаёв тинчлик
қалқонидирмиз,
Халқим сенинг ҳурлигинг асраймиз
жонимизда.

Хизмат қилиб Ватанга олдик
посбон номини,
Кифтимизда тутгаймиз элнинг ору
шонини,
Ҳеч бир ёв енга олмас
биздайин ўғлонини,
Юртим сенинг тинчлигинг асраймиз
қонимизда.

Мусожон ҲОШИМОВ,
меҳнат фахрийси.

ҲАРБИЙ ҚИЗЛАР

Чаманга айланар босган излари,
Гулдан-да гўзалдир нозик ҳислари,
Юртимнинг Барчиной, Тўмарислари –
Ҳарбий либосдаги малика қизлар.

Элсевар юрт учун кўкси қалқонсиз,
Хуршиди тобонсиз, моҳи тобонсиз,
Камолотга етган қоши Ҳилолсиз,
Ҳарбий либосдаги малика қизлар.

Қизғалдоқ акси бор ёноғингизда,
Оловлар тафти бор нигоҳингизда,
Султонлар тахти бор қучоғингизда,
Ҳарбий либосдаги малика қизлар.

Кўксимни куйдирса қумли саҳролар,
Яшнар бир табассум қилса Заҳролар,
Нигора, Дилдора, Гўзал, Шаҳлолар –
Ҳарбий либосдаги малика қизлар.

Ўзбекча рақс йўқ ҳеч бир дунёда,
Маҳлиё қиласиз битта имода,
Нафис санъатингиз бўлсин Зиёда –
Ҳарбий либосдаги малика қизлар.

Неча бек ошиқлар – фидодир сизга,
Айтинг, йўл борми дил саройингизга,
Асло кўз тегмасин чиройингизга,
Ҳарбий либосдаги малика қизлар.

Тилагим, бағрингиз бешикка тўлсин,
Ёр-ёрлар, аллалар, қўшиққа тўлсин,
Азиз байрамингиз муборак бўлсин,
Ҳарбий либосдаги малика қизлар,
Бўлингиз, эъзозда ой, бека қизлар!...

Шаробиддин БОЛТАБОЕВ.

МЕҲР

Ватаним мен сенинг жонинг бўлайин,
Томирларда оққан қонинг бўлайин,
Меҳру шижоатим тикай пойингга
Ғуруринг, суруринг, шонинг бўлайин.

Улкан бахт юрт дея курашиш, ёниш,
Умрлик армондир ватансиз қолиш,
Ватангадоларга этмагай насиб,
Ҳатто тупроғингдан ясалган болиш.

Ардоқлаб ўстирдинг мен ҳам ардоқлай,
Фарзандлик бурчимни бир умр оқлай,
Меҳримдан гул экиб қучоқларингга,
Мен сени асрагум ҳаётман токай.

Ҳурлигинг, тинчлигинг энг олий неъмат,
Бахтингни асровчи ўғил-қизинг мард,
Шуларнинг сафида бормаҳ минг шукур,
Сенга фидо бўлсин ҳаётим абад.

Манзура МЎМИН қизи.

АЙЛАНАЙ, ЎЗБЕКИСТОН

Айланай Ўзбекистон,
Ўргилай Ўзбекистон.
Бир яхши кунларингга –
Эш бўлай, Ўзбекистон.
Тинч осуда кунингга,
Тўй байрамлар ярашгай.
Соғинган дўстлар сенга,
Ҳавасланиб қарашгай.
Кўзимга суртгим келар,
Тупроқ тафтинг, даштингни,
Болангман, соғинаман –
Бузмайман мен, аҳдимни.
Оқар сувдайин севгим,
Чўққидай виқор-қалбим.
Эгилмайман ҳеч кимга,
Лек самимий, бу амрим.
Юрт, кенглар кўп жаҳонда,
Ҳар кимга Ватан азиз,
Шамолдай учиб кетган –
Сенга етмас шубҳасиз.
Айланай, Ўзбекистон,
Ўргилай Ўзбекистон.
Бир яхши кунларингга –
Эш бўлай, Ўзбекистон.

Ўлжабой ҚАРШИБОЙ.

Бадиий кўргазма

МИЛЛИЙЛИГИМИЗ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 15 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни тантанали нишонлаш дастурига мувофиқ куни кеча Қуролли Кучлар Марказий музейи кўргазмалар залида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда миллий армиямиз фахрийлари иштирокида VII Умумармия бадиий ижодиёт кўргазмаси очилди.

– Мазкур анъанавий кўргазмага ҳаваскорлар билан бирга тажрибага эга бўлган бадиий ижод усталарининг энг сара асарлари қўйилган, – дейди биз билан суҳбатда подполковник Содиқ Ортиқов. – Мутахассислар ёрдамида танланган ушбу экспонатлар кўргазма иштирокчиларига манзур бўлади, деган ниятдамиз.

Кўргазма залини кеза туриб, ҳар бир асарни синчиклаб кузатаркансиз, ҳаваскор ижодкорлар ижодий ишида миллийликка катта эътибор берилганига гувоҳ бўласиз. Қуролли Кучлар хизматчиси М.Темировнинг қадим ва навқирон Бухоро шаҳри тасвирини зардўзлик йўналишида акс эттирганлигини кузатиб, ижодкорнинг ушбу асарини қанчалик дид билан яратганлигига шубҳа қилмайсиз. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти М.Бадаловнинг бетакрор кулолчилик буюмлари ҳам ҳар қандай кишини беэътибор қолдирмайди. Истеъфодаги тиббий хизмат майори Ғайбулла Алиевнинг мўйқалам ишидаги картинасида она табиатимизнинг гўзал тоғ манзараси акс этган. Рассомнинг гўзал санъат асарини кузатаркансиз, ушбу картина бир он бўлсада сизни сокинликка етаклайди. Кўргазманинг ёш иштирокчиларидан бири подполковник Раҳматжон Тошматовнинг ўғли ўн яшар Ҳусниддин ўзининг ижодий ишида пластилиндан фойдаланган ҳолда турли ҳайвонлар нусхасини яратган. Ушбу ёш ижодкорнинг ижодий фантазияси кўргазмага ташриф буюрганларни ўзига жалб қила олди.

– Кўргазма менга ниҳоятда манзур бўлди, – дейди оддий аскар Шавкат Жиянқулов. – Бу ерда ижодкорларнинг қалб қўри-ла яратган асарларини кузатиб олам-олам завқ олдик.

Мазкур ижодий кўргазма нафақат юртимиз посбонларига, балки бу ерга ташриф буюрган ҳар бир кишида ўзига хос таассурот қолдирди. Ушбу кўргазма бир ой давом этади.

Карина ҚУРБОНОВА.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
А. КАМАЛОВ, А. УСМОНОВ,
Х. ЗАЙНИЛОВ. Т. ЖУМАНАЗАРОВ

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Александр Смотриков ва Содиржон Масимов томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – Наталья Лаптева.
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 Буюртма № G-3215. Адади 28500.